⁶ Исмаилова Ж.Х. XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида Тошкентнинг «Янги Шаҳар» қисми тарихи. – Т. – «Фан ва технология». – 2004. – 140 б.

⁷ Азадаев Ф. Ташкент во второй половине XIX века. – Ташкент. - Изд-во АН Узб. – 1959.

⁸ Асқаров Ш.Д. Генезис архитектура Узбекистана. – Т. – Изд-во журнала San'at/ – 2014.

⁹ Добросмыслов А.И. Ташкент в прошлом и настоящем. /Исторический очерк. Ташкент: – Вып. № 6. – 1912 – 520 с

¹⁰ Малицкий Н.Г. Ташкентские махалля и маузы. – Т. – 1927. – 16 с.

¹¹ Мукминова Р., Филанович М. Ташкент на перекрестке истории (очерки древней и средневековой истории города). – Т. – Фан. – 2001. – 116 с.

¹² Султанов У.А. Мухаммад Солиххужа ва унинг «Тарихи жаҳидаи Тошкент» асари. Т. – Узбекистан. – 2007. – 264 с.

¹³ Ртвеладзе Л., Ртвеладзе Э. Мусульманские святыни Узбекистана. – Ташкент. Главная редакция Энциклопедий. – 1996. – 103 с.

¹⁴ Филанович М. Ташкент. Зарождение и развитие города и городской культуры. – Т. – Фан. – 1983. – 199 с

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Санъатшунослик институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ бажарилаётган А1-ФА-0-14120 ФА-01-Г048 рақамли «Ўзбекистон тарихий-маданий ҳудудларининг бадиий маданияти ва моддий мероси» (2012-2014) ҳамда ФА-А1-Г011ПЗ-2014-0912212034 рақамли «Ўзбекистоннинг қадимги ва ўрта асрлардаги бадиий маданиятида анъана ва инновациялар» (2015-2017) мавзусидаги фундаментал лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Тошкентнинг қадимдан ҳозирги вақтгача бўлган вужудга келиш ва тараққиёт босқичларининг архитектура ва шаҳарсозлик тамойилларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Тошкентнинг энг қадимги ва қадимги аҳоли пунктларини тадқиқ этиш ҳамда жойлашув тизимининг структуравий ўзгаришлар динамикасини ва алоҳида манзилгоҳдан кичик воҳага ўтишнинг режавий тузилишини аниқлаш;

араб географлари (Истахрий, Макдусий ва бошқалар)нинг илк маълумотларига асосланган ҳолда Тошкент воҳаси шаҳарларининг, шу жумладан унинг пойтахти «Бинкат» (ҳозирги Тошкент)нинг жойлашув жойини аниқлаш;

Тошкентнинг тузилмавий қисмлари – арк, шаҳристон ва рабодларнинг жойлашувини аниқлаш;

шаҳар ташқарисидаги ерларнинг шаҳар қурилиши учун ўзлаштирилиш услублари ва йўллари кўрсатиш орқали Тошкент ва унинг ҳудудидаги ўрта асрлардан XX аср бошигача мавжуд бўлган баъзи манзилгоҳларнинг шаҳарсозлик тизими динамикасининг ўзига хосликларини аниқлаш;

шаҳарнинг асосий таркибий қисмлари – муҳофаза иншоотлари, турар жой даҳалари (маҳаллалар), кўчалар тизими, ирригация (ҳовузлар), маданий ва жамоат қурилмалари, савдо майдонларига тавсиф бериш;

XIX асрнинг иккинчи ярми – XX асрлар Тошкент шаҳрининг янги қисми шаклланишининг режавий принципларини аниқлаш;

собиқ совет иттифоқи даври (1920-1980 йиллар)да Тошкентнинг қайта қурилиш йўллари ва шаҳарнинг шаклланиш тугунини тадқиқ этиш;

мустақиллик йилларида Тошкент меъморчилигининг ривожланиш жараёнини ўрганиш, йирик шаҳарсозлик мажмуалари ва тарихий-меъморий мероснинг шаҳарлардаги аҳамиятини кўриб чиқиш.

Тадқиқотнинг объектини Тошкентнинг шаҳарсозлик жихатидан таркибий қисмлари – турар жой мавзелари, жамоат аҳамиятидаги ҳудудлар, кўча ва ирригация тизими, муҳофаа иншоотлари, маъмурий бинолар ва мажмуалар, турар уйлар, савдо ва маданий аҳамиятга эга бинолар, тарихий-меъморий мажмуалар ташкил этади.

Тадқиқотнинг предметини қадимги даврдан ҳозирги вақтгача Тошкент архитектураси ва шаҳарсозлигининг пайдо бўлиш ва ривожланиш

йўллари, шаҳарларнинг меъморий-режавий ечими ва қонуниятлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда тарихийлик, манбаларга асосланиш, архив материалларининг илмий-қийёсий таҳлили, хронологик тизимли таҳлил, сўровнома ўтказиш, масалага илмий ёндошув каби илмий тадқиқот усулларида фойдаланилган. Мавзуни ёритиш жараёнида умум қабул қилинган илмий тадқиқот тамойилларига риоя қилинган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк ислом даврининг Бинкет (ҳозирги Тошкент шаҳри) ва Тошкент воҳасидаги Уштуркет, Банукет, Залтикет, Наукет номли йирик аҳоли пунктларининг урбанизациясига ижобий таъсир кўрсатганлиги аниқланган;

араб географлари Истаҳрий ва Макдусийларнинг маълумотлари асосида «Бинкет» ва «Мадина Шош»нинг таркибий қисмлари - арк, шаҳристон ва рабодларнинг турли даврлардаги режавий ривожланиш жараёни схемалари ишлаб чиқилган;

XIV аср охирида Тошкент шаҳар ҳудудида муҳофаа иншоотлари: мустаҳкам қалъа, кўрғондеворлар, ҳарбий истеҳкомлар қурилиш жараёнларининг такомиллашуви Амир Темурнинг қурилиш фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлганлиги аниқланган;

Тошкент XIX асрнинг биринчи ярмида Ўрта Осиёда аҳоли сони ва архитектуравий иморатларнинг қурилиш кўлами жиҳатидан энг йирик шаҳар (майдони 50 км²га яқин) эканлиги, шаҳарда 12 та асосий дарвозалардан ташқари 20 га яқин қопқалар мавжуд бўлганлиги аниқланган;

XX асрнинг иккинчи ярмига келиб шаҳарнинг чор Россияси даврида ажратилган эски ва янги қисмларининг режавий жиҳатдан уйғунлашганлиги, натижада шаҳарда умумий ягона марказнинг шаклланганлиги аниқланган;

Тошкент шаҳри ҳудудидаги Юнусобод Оқтепаси, Чилонзор Оқтепаси, Минг ўрик, Учтепа, Хонободтепа, Фозилтепа, Шоштепа шаҳарчалари ҳамда Тошкент вилоятида жойлашган Хонқа, Қовунчитепа, Улкантойтепа, Чинозтепа, Ҳисортепа шаҳарчаларининг график реконструкция вариантлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Тошкент ҳудудининг энг қадимий ва қадимий аҳоли пунктлари жойлашув схемалари, аҳоли яшаш тизимининг тузилмавий ўзгариш динамикаси ишлаб чиқилган;

ҳудуднинг ирригация ва йўл тармоқлари (шу жумладан, карвон йўллари) схемалари ва уларнинг воҳада йирикроқ аҳоли пунктларининг шаклланишига таъсири аниқланган;

айрим қишлоқларнинг ўрта асрдан бошлаб то XX аср бошигача бўлган шаҳарсозлик тузилмаси динамикаси схемаси, шаҳар атрофидаги ерларни шаҳар қурилмаларига қўшиш йўллари ва усуллари кўрсатилган;

Тошкентнинг асосий компонентлари – фортификация, турар-уй кварталлари (маҳаллалар), кўчалар тармоғи, ирригация (ҳовузлар), диний ва жамоат қурилмалари, савдо майдончалари режавий схемалари ва график реконструкциялари ишлаб чиқилган;

XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошларида Тошкент янги шаҳар қисми шаклланишининг режавий тамойиллари ишлаб чиқилган;

Тошкентнинг собиқ совет иттифоқи даврида (1920-1980 йиллар) режавий қайта қурилиши ва унинг шаҳар ҳосил қилувчи бўғинлари схемалари аниқланган;

мустақиллик йилларида Тошкентнинг асосий шаҳар ҳосил қилувчи бўғинлари, шунингдек энг йирик шаҳарсозлик ансамбллариининг режавий трансформацияси ва шаҳарнинг тарихий-архитектуравий меросининг қайта ҳосил бўлиш жараёни схемалари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Диссертация материалларининг «ТОШКЕНТБОШПЛАНЛИТИ» лойиҳалаш институтининг илмий-тадқиқот ва лойиҳа-изланиш ишланмаларида, хусусан, «Тошкент эски шаҳар қисмининг ретроспективаси ва фазовий ривожланиш босқичлари», «Тошкент шаҳри моддий маданияти объектларини қўриқлаш», «Тошкентнинг тарихий-архитектуравий таянч режаси» бўлимларига ҳамда Тошкент вилояти Чиноз тумани марказини ривожлантириш бош режасига жорий қилинганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шаҳарсозлик тарихи соҳасида билимларни бойитиш ва ўқув жараёни материалларини, жумладан «Архитектура ёдгорликлари реконструкцияси ва реставрацияси» таълим йўналиши талабалари учун ўқув қўлланмалар, дарсликлар яратишда, моддий маданиятни ёритишда, олий ўқув юртлари ҳамда мутахассислар учун малака ошириш курсларида семинарлар ташкил этиш учун фойдаланишда кенг имкониятлар яратади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Тошкентнинг тарихий қисмини сақлаш, қайта қуриш ва модернизация қилиш бўйича ишлаб чиқилаётган лойиҳа ечимларининг сифатини оширишга ва ҳудуднинг замонавий интерпретациялашув жараёнларини такомиллаштиришга, шунингдек ушбу соҳада фаолият кўрсатаётган мутахассисларнинг касбий савиясини оширишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тошкентнинг шаҳарсозлик ва меъморчилик маданияти мавзуси бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Тошкентнинг эски шаҳар қисмини 2020 йилгача шаҳарсозлик жиҳатдан ривожлантириш ва қайта қуриш дастури» лойиҳа концепцияси доирасида ишлаб чиқилган «Тошкентнинг эски шаҳар қисми ретроспективаси ва маконий ривожланиш босқичлари» юзасидан олинган натижалар амалиётга тадбиқ этилган («ТОШКЕНТБОШПЛАНЛИТИ» институтининг 2013 йил 28 январдаги НПО-351-сон далолатномаси). Илмий натижанинг қўлланилиши қадимги манбаларда шаҳарнинг жойлашуви, шаҳарсозлик ечимларининг мувофиқлаштирилиши каби тушунчаларнинг ўзига хос жиҳатларини очиб бериш имконини берган;

Тошкент шаҳри боштарҳини ишлаб чиқиш концепциясининг «Тошкент шаҳрининг моддий - маданий объектлари муҳофазаси» юзасидан олинган

натижалар амалиётда қўлланилган («ТОШКЕНТБОШПЛАНЛИТИ» институтининг 2014 йил 03 январдаги НПО-09-сон далолатномаси). Илмий натижанинг қўлланилиши Тошкент шаҳарсозлигининг генетик асосларини белгилаш ҳамда шаҳарсозлик анъаналарининг қадимдан вужудга келганлиги ва тараққий этганлиги хусусида аниқ хулосалар чиқариш имконини берган;

Тошкент эски шаҳар қисмининг шаҳарсозлик ривожланиш бош схемаси, яъни тарихий - архитектуравий таянч тарҳи ишлаб чиқилган ва амалиётга тадбиқ этилган («ТОШКЕНТБОШПЛАНЛИТИ» институтининг 2014 йил 02 октябрдаги НПО-3026-сон далолатномаси). Илмий натижанинг қўлланилиши Тошкент шаҳарсозлигининг генетик асосларини белгилаш ҳамда шаҳарсозлик анъаналарининг қадимдан вужудга келганлиги ва тараққий этганлиги хусусида аниқ хулосалар чиқариш имконини берган;

Тошкент вилояти Чиноз тумани марказини ривожлантириш боштарҳи ишлаб чиқилган ва амалиётга тадбиқ этилган («ТОШКЕНТБОШПЛАНЛИТИ» институтининг 2016 йил 5 октябрдаги НПО-2887-сон далолатномаси). Илмий натижанинг қўлланилиши Тошкент вилояти шаҳарсозлигининг генетик асосларини белгилаш имконини берган.

Тадқиқотнинг апробацияси. Диссертация натижалари халқаро ва республика илмий-амалий конференцияларида ва илмий семинарларда апробациядан ўтказилган. Шунингдек, илмий иш Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Санъатшунослик институтининг «Меъморчилик» бўлимида ва илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинарда муҳокамадан ўтказилган.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Тадқиқотнинг илмий натижалари, назарий хулосалари ва тавсиялари 50 та нашр орқали эълон қилинган бўлиб, шулардан 2 таси монография, 15 таси рисола, 10 таси илмий журналлардаги мақола, 6 таси илмий конференциялардаги маърузалар ҳисобланади.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, 4 та боб, фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, асосий матн 255 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Тадқиқотнинг **кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги асосланиб, ишнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети белгилаб олинган. Шунингдек, тадқиқотнинг фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилиб, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган. Ундан ташқари, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган ҳолда назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган. Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, апробацияси бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг 1-боби «**Тошкент ва унинг региони қадимда ва ўрта асрларда**» деб номланган бўлиб, дастлаб Тошкент воҳаси ҳудудида ибтидоий жамоа шакллариининг пайдо бўлиши ва уларнинг ўзига хосликлари

кўриб чиқилади. Улар инсонларнинг қийин ва узоқ муддатли ўтроқлашиш жараёни натижасида ривожланган. Худудларни ўзлаштириш ҳар хил жойларда, ҳар хил даврларда турлича жадалликда амалга оширилган. Дастлаб бундай манзилгоҳлар стратегик қулай жойлардан ёки тепаликлардан иборат чегараланган худудларни эгаллаган. Қишлоқлар секин-асталик билан янги сифатларга эга бўла бошлаган, яъни мудофаа деворлари билан мустаҳкамланган. Вақт ўтиши билан бундай мустаҳкамланган қишлоқлар йирик аҳоли яшаш пунктларигача катталашиб борган.

Регионнинг илк урбанизация маркази унинг жанубий-ғарбий қисми худудига, яъни Сўғддан келадиган йўлга тўғри келади деб тахмин қилиш мумкин. Шу ер регион урбанизациясининг бошланғич босқичларидан бири бўлган бўлиши мумкин. Қовунчитепа, Шоштепа ва Қанқа каби аҳоли пунктлари Тошкент микроҳоасининг дастлабки шаҳар манзилгоҳларига мансубдир.

III–IV асрларда Чоч мустақил мамлакат сифатида ривожлана бошлаган ва шу орқали у шаҳарлар ва манзилгоҳлар сонининг тезда ўсиш феноменига олиб келган. Ўша пайтдаёқ иерархия, яъни регионнинг шаҳарлар жойлашуви тартиби ва уларнинг бўйсунуш тизими ўрнатилган эди. Шу йилларда Тошкент воҳаси иккита худудга бўлиниши юз берган бўлиши мумкин. Яъни Чоч-шимолий, Илоқ-жанубий худудлар. Илоқ Марказий Осиёнинг энг йирик металл, асосан олтин ва қумуш қазиб оладиган жойи сифатида шаклланган.

Тошкент региони алоҳида локал ирригация худудидан иборат бўлган. Уларнинг ҳар бирининг маркази ўлчамлари ва фортификациялари билан ажралиб турувчи шаҳар манзилгоҳлари бўлган.

Воҳанинг барча худудларида урбанизация жараёни бу даврда турк ҳоконлиги мамлакатнинг шаҳарсозлик сиёсатининг асоси бўлган. Ушбу жараён содда микрооазис - давлатлардан ягона худудий ўлкаларга ўтишни тезлаштирган. Буларни барчаси, кичкина қишлоқ хўжалик манзилгоҳлари ҳисобига шаҳарларнинг кейинги ўсишига ёрдам берган.

Савдо битимлари учун дастлабки алоқа жойлари аҳоли пунктлардан ташқарида жойлаштирилган, ва, эҳтимол унинг жойлашган жойи вақти-вақти билан ўзгарган. Чорсунинг бир нечта йўллар кесишган жойи, савдо битимлари учун энг мақбул жой сифатида батамом танланмагунига қадар, эҳтимол, илк ўрта асрларда жойлар камроқ ўзгарган. Чорсу томонига кетган пастликдаги (Регистон деб аталган) ер майдонида жойлашган доимо жорий қилинган бозорнинг тузилиши натижасида атрофдаги йирик ва кичик аҳоли жойлардан йўллар ўтказилган. Аста-секин ҳозирги Тошкент худудида ариқлардан ва йирик каналлардан ўтган кечувлар ва кўприкларни ўз ичига олган кўчаларнинг радиал системаси тузилган.

Воҳа худудидаги қадимий ва илк исломий манзилгоҳларнинг тадқиқоти, манзилгоҳларнинг аниқ бир босқичда шаклланадиган худудий ва функционал ўзгаришларини таърифлайдиган аниқ режалаштириш белгиларини ажратиш олишга имкон беради.

Ушбу иш жараёнида, археологик материалларни ўрганиш натижасида, илк манзилгоҳларнинг ва уларнинг ташкилий қисмлари шаклланишининг

ҳажмий ва режалаштириш қонуниятлари аниқланди. Уларнинг систематизацияси асосида, оддий тўхташ жойлардан ўтроқ мустаҳкамланган манзилгоҳларнинг турли жойларга ўрнаштириш тартибининг эволюцияси кўрсатилган.

Тошкент регионининг (Чочнинг) Араб ҳалифалигига бирлашишининг оқибатлари кўриб чиқилади. Шошнинг бош шаҳри бўлиб Бинкет танланган, провинциал марказлар функцияларини эса Бенакет (Шохрухия), Харашкет (Канка), Наукет (Тўйтепа) ва бошқа шаҳарлар бажарган. Ислом динини қабул қилган барча аҳоли пунктларида, масжидлар, кейинчалик эса (X асрдан) мадраса, макбара ва хонакоҳлар барпо этилган.

Араб географлари тадқиқот ишларининг таҳлили натижалари, шунингдек Чирчиқ дарёсининг ўрта ўнг қирғоғининг турли жойларга ўрнаштириш тизимининг тадқиқоти шуни кўрсатдики, илк исломий шаҳар Бинкет ёки «Шош Мадинаси», Тошкентнинг замонавий жанубий-ғарбий қисми ҳудудида жойлашган. Бу ерда, ҳукумат аппарати бинолари, савдо комплекслари, ишлаб чиқариш устахоналари, бадавлат аҳолининг турар уйлари ва аҳолининг асосий массасининг кварталлари бир ерга тўпланган бўлган. Шаҳарнинг рабодида жойлашган йирик савдо зонаси, эҳтимол, Чорсу ҳудудидаги пастликда жойлашган замонавий бозор билан айнан бир-бирига ўхшаган бўлган.

Истахрийнинг хабарига кўра, Бинкет шаҳристонининг ичида катта бўлмаган бозор ишлаб турган. Асосий йирик бозорлар рабодлар ҳудудида жойлаштирилган. Эҳтимол, Чорсу ҳудуди «Шош Мадинасининг» ташқи рабодига туташган бўлган ва у ерда, ҳудуднинг барча йирик савдо алоқалари содир бўлган. Чорсу бозори ва унинг атрофидаги манзилгоҳлар ўрта аср даврида асосий савдо ва юк тушириш ва ортиш пункти бўлиб хизмат қилган, у ердан атрофдаги ерларнинг барча асосий йўллари ва Буюк Ипак йўли трассаси ўтган. Йирик шаҳарларнинг карвонсаройларда жанубдан шимолга бориш ва қайтиш йўлларида юрган кўп сонли юк ортилган карвонлар тўхтаб ўтган.

Ушбу бўлимда турар жой мавзелари ва ҳовли-жойлар кўриб чиқилади. Бироқ ҳали археологлар томонидан уларнинг структураси батафсил ўрганилмаган. Бошқа регионлар билан ўхшашлиги бўйича шуни тахмин қилиш мумкинки, бундай мавзелар алоҳида бўлган кўп хонали турар жой блокларидан ташкил топган ва улар қўшимча хоналар билан бириктирилган маълум бир миқдордаги (7-8 ва кўпроқ) яшаш хоналарни ўз ичига олган. Шундай кўп хонали блоклардан регионнинг кўпгина манзилгоҳларнинг турар жой мавзелари шаклланиб борган.

Шошнинг мудофаа девори тадқиқот қилинади. Биринчи вақтларда бу тупроқ девор кўп километрли ҳўл тупроқ қатламларидан таркиб топган бўлиши мумкин, улар ирригация каналларининг ўтказилиши ёки кенгайтирилиши натижасида пайдо бўлган. «Кампир девор» деб аталадиган Шош мудофаа деворининг барпо қилинишнинг жараёни, Тошкент воҳасининг Араб ҳалифалиги таркибига кириш даврида тугатилиши мумкин эди.

Шош дарёларидан ўтиш усуллари, қайиқ, сол ва вақтинчалик кўприкларни ҳисобга олганда турли хил бўлган. Қадимдан ва XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Сирдарё ва Чирчикдан ўтган доимий (тош ва тахта) кўприкларнинг қурилиши тадбиқ этилмаган. Барпо қилинган вақтинчалик кўприклар конструкциясининг соддалиги ва асосий қурилиш ашёси дарёнинг қирғоқларида қалин ўсадиган қамич бўлганлиги билан ажралиб турган.

Бинкет ва воҳа бошқа манзилгоҳларининг таназзулга учраши сабаблари тадқиқот қилинади. XII асрнинг иккинчи ярмида Бинкетнинг савдо-сотиқ ва ҳунармандчилик ишлаб чиқариши заифлашган. Археологлар шаҳар кварталларининг бўшлиги ва ҳунармандчилик маҳсулотларининг қисқарганлигини таъкидлашади.

Чингизхон қўшинлари Бинкет ҳудуди орқали ўтган, улар машҳур шаҳар қолдиқларини вайрон қилиб ўтганлар. Тажовуздан Шошнинг бутун атрофи ҳам зарар кўрган.

Бу иш жараёнида Шошнинг Ислом давригача бўлган шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктларидаги қурилишларига мусулмон урбанизациясининг кириб келиш йўллари аниқланган. Шошнинг илк ислом давридаги турар жой мавзеларига, савдо ва мудофаа объектларига тавсиф берилади.

Диссертацияда Бинкетнинг пойтахт шаҳар сифатида ўзлаштирилиш йўллари ва услублари очиб берилган. «Шош Мадинаси»нинг, унинг шахристони, икки рабодининг тузилиши ва чегараси, шунингдек қалъаси, ҳукмдор саройи ва унинг маъмурий тузилмасининг ишлаб турган жойлари аниқланган.

Диссертациянинг 2-боби «Тошкент ва унинг воҳаси ривожланган ўрта ва сўнгги ўрта асрларда» деб номланган. Ушбу боб воҳанинг XIII асрдаги шаҳар ва манзилгоҳларини қайта қурилишига бағишланган. XIII аср ўрталаридан бошлаб Чорсу бозори ҳудудида турар жой кварталлари шакллана бошлаган, улар ушбу ҳудуд ортдаги ишга тушурилган янги шаҳар манзилгоҳининг маъмурият маҳкамаси билан боғлиқ бўлган. Бир қатор ҳолатларда янги манзилгоҳлар бузилган шаҳарлар ёнида қайта вужудга келган. Эҳтимол бу давр ичида шаҳарларнинг арабча номлари суриб чиқарилиб, турк ва форс номлари қайтарилган.

XIII асрнинг биринчи ярмида шаҳар, Чорсу ҳудудида, йирик бозор ва ихтисослаштирилган ҳунармандлар ва савдогарларнинг манзилгоҳларини ўз ичига олган Шош регионининг маъмурий маркази сифатида қайта тикланади. XIII асрнинг иккинчи ярмида Тошкентда шаҳар тузилишининг элементлари мавжуд бўлган: цитадел, бозор (Регистон майдонида) ва мудофа девори билан ўралган маҳаллалар.

Амир Темур ҳукмдорлик йилларида Тошкентнинг ҳудуди 400 гектарга яқин жойни эгаллаган ва майдони бўйича империянинг пойтахти Самарқандга тенг бўлган. Шаҳарнинг жанубий қисмининг четида (Қоратош жойида) янги қалъанинг вужудга келиши билан, Эски Жўва ҳудуди ўзининг олдинги қалъа-манзилгоҳи функциясини йўқотади. Амир Темур Тошкент шаҳрини мустаҳкамлаган ва ривожлантирган, бу ерда у қўшин эҳтиёжи учун ҳунармандчилик объектларини кўпайтирган.

XIV аср охирига келиб Тошкентда янги ташки мудофаа иншоотларининг курилиши тугалланган, ушбу иншоотлар шаҳарни мустаҳкам қалъага айлантирган. Ҳозирда бу мудофаа девори ўтган жойини археология йўли билан аниқлаш мушкул. Бироқ, унинг локализацияси ёзма манбаларга кўра, шаҳар ҳудудининг миқёси ва майдонини, шунингдек, Тошкентнинг маълум бир вақт оралиғидаги ўсиш динамикасини аниқлашга имкон яратиб беради.

Бўлимда шаҳардаги Ўрда қалъасининг режалаштирилган ўзига хос хусусияти тадқиқ қилинади. Ушбу қалъа XIV аср охирида, Қоратош мавзеси ҳудудидаги шаҳар жанубий қисмининг чеккасида вужудга келган. 30 га майдонга эга бўлган Ўрда қалъаси ичида иншоотларнинг комплекси мавжуд бўлганлиги эҳтимоли бор. Улар қаторида ҳукмдорнинг саройи, унга яқин бўлган шахслар учун иморатлар, ғазначилик, масжидлар, ҳаммомлар ва бироз четроқда, алоҳида минтақа кўринишида ҳарбий казарма ва қамоқхоналар ҳам бор.

XV-XVI асрлар оралиғида Тошкентда эски шаҳар ичи ва четидаги бозорлар ўз вазифасини бажарган, шунингдек янгилари ҳам вужудга келган. Шаҳарнинг қоқ марказида Чорсу бозори асосий бозор сифатида хизмат қилиши давом этган. Қолган иккита, Тахтапул кўчасидаги Эски Жўва Жангоб бозори ва Қоратош мавзесидаги янги қалъа ёнида жойлашган Чуқур бозори катта бўлмаган. Тошкентнинг ташки деворлари ёнида, қалъанинг дарвовалари яқинида ташки бозорлар ташкил қилинган. Бу ерда, ҳафтанинг маълум бир кунларида шаҳар яқинидаги боғлар ва полизлардан келтирилган қишлоқ-хўжалик маҳсулотлари, шунингдек кўй-эчки ва паррандалар сотилган.

Турар жой кварталларининг энг қадимги гуруҳлари (маҳаллалар) Чорсу бозори яқинида жойлашган. Маълум бир шаҳарликлар гуруҳини бир уюшма сифатида бирлашувини ифода қилган, улар орқали ҳукумат билан алоқа ўрнатилган. Масжид маҳалла маркази бўлган. Режалаштириш жиҳати бўйича маҳалланинг ҳудуди, кўчалар ва улардан ажралган тор кўчалардан ташкил топган, улар атрофида бир гуруҳ турар жой иморатлари бўлган.

Ушбу қисмда Тошкент ва унинг яқинидаги ибодат ва мемориал комплекслари кўриб чиқилади (XV-XVI асрлар). Мемориал комплекслар шаклланишининг биринчи босқичи илоҳиёт мутахассисларига мақбаралар қурилиши билан боғлиқ, кейин эса аста-секинлик билан уларнинг қабрларига сиғиниш ўсиб борган. Кейинчалик, зиёратчиларнинг оқими ўсиб бориши ва ҳукмдорларнинг эътибори ошиши натижасида ибодат комплекслари яқинидаги қишлоқлар моддий томондан мустаҳкамланган ва ободонлаштирилган. Диний маърифатпарварларнинг хотирасини абадийлаштириш мақсадида, уларни қабрлари бор бўлган қишлоқларга уларнинг номи берилган.

Тошкентнинг XVII-XVIII аср ўрталаридаги режалаштириш тизими тадқиқот қилинади. Шаҳар хўжалигининг инкирозга учраш ҳолати Катта Жуз қозоқлар сулоласи, кейин эса ғарбий Хитойнинг жунгар томонидан босқинчиликларига боғлиқдир. Баъзи жойлари бузилган ва керакли назорат

(яъни таъмир ва сусти жойларини янгилаш) йўқлиги туфайли наридани бери қайта тикланган ташқи фортификация, кўпинча ўз-ўзидан қулаган. Бу шаҳар яқинидаги ерларини бирлаштиришда янги девор барпо қилишга имкон яратган. Шунинг тахмин қилиш мумкинки, XVII-XVIII асрлар бошида шаҳар ичига асосан хунарамандлар билан эгалланган шимолий шаҳарча кирган.

Ушбу даврда Шарқий Туркистон ва Жунгарлар билан Илик ўлкаси орқали савдо алоқалари кенгайтирилган, у ерда Катта Жуз қозоқлари, 1723 йилдан эса, жунгарлар ҳукмронлик қилганлар. Тошкент моллари ортилган карвонлар Кулжу (Хитой)дан, Чуғучоқ йирик савдо-сотик шаҳридан ўтиб, Сибиргача етиб борган.

Юнусхўжа ўзининг ҳукмдорлик даврида (1784-1800 йй.) Тошкентни Ўрта Осиёнинг йирик аҳоли пунктлари қаторига олиб киришга ва ўзига қарашли ерларни Туркистон шаҳригача кенгайтиришга муваффақ бўлган. У Қўқон ва Бухоро хонликларига ҳарбий томондан қарши тура оладиган Тошкент хонлигини ташкил қилган.

Тошкентнинг бошқа шаҳарлар – Қўқон, Марғилон ва Самарқанд шаҳарлари билан ҳудудий-маъмурий тизимининг ўхшашлиги кузатилади. Тошкентнинг тўртта даҳага режалаштирилган бўлиниши етарлича мураккаб йўл билан амалга оширилган. Ҳар бир ҳудуднинг чегараси сифатида шаҳар хўжалигининг деярли барча таркибий қисмлари хизмат қилган – йўллар, каналлар, шудгорлар, боғлар, турар жой даҳалари ва айниқса Чорсу бозорининг савдо расталари.

Тошкентнинг тўртта даҳага бўлиниши ҳар бир даҳа тахминан шудгор майдонига тенг бўлган, учтадан шаҳарнинг йирик магистралларига ва, бинобарин, мудофаа деворида шунча дарвозага эга бўлган. Даҳалар орасидаги шартли чегаралар сифатида ирригация каналлари (Лабзак ва Бўзсув), магистрал йўллар ва маҳаллалар орасидаги ташландиқ ерлар хизмат қилган. Тошкент ҳудудининг ўсиши ташқи мудофаа тизимининг қайта қурилишига олиб келди, бунда кўп сонли табиий тўсиқлар ишлатилди (каналлар, жарликлар). Биринчи босқичда, шаҳар ҳудудининг ўсиши шимолий ва ғарбий қишлоқ ерлари ҳисобига амалга оширилган. Бу ерда мавжуд бўлган қишлоқлар янги шаҳар қурилишининг асосини ташкил қилган.

Диссертациянинг 3-боби «**Тошкент ва унинг региони XIX-XX аср бошлари даврида**» деб номланган. Ушбу боб истилонинг иқтисодий оқибатларига бағишланади. XIX асрга келиб Қўқон хонлигининг чегаралари шарқий Туркистон ва Жунгаргача, ғарбдан эса Сирдарёнинг этагигача етиб борган. Буларнинг барчаси Тошкентнинг савдо имкониятларини динамик ўсишига имкон туғдирган, унинг Чорсу бозори эса ўзининг товар айирбошлаши ва майдони бўйича Ўрта Осиёдаги йирик бозорга айланган.

Шаҳарнинг илк истило босқичидаги режалаштириш тузуми тадқиқ қилинади. Шаҳарнинг шарқий қисмида, Анҳор канали ортида, янги Ўрда қалъаси барпо қилинади. 1840 йилларга келиб, шарқий қисмдаги шаҳар атрофи ерлари янги шаҳар ҳудудига бутунлай ўзлаштирилиши тугатилди.

Юнусхўжа давридаги эски деворлар баландлиги ва қалинлигига кўпайтирилди, стратегик хатарлироқ жойларда эса сув билан тўлдириладиган зовурлар қазилди. Деворнинг баландлиги баъзи жойларда тўққиз метргача кўтарилган, қалинлиги эса тўрт-беш метргача оширилган, бу эса уларни артиллерия учун уриб тешишига қийин бўлган иншоотга айлантирган. Уша даврда Тошкентнинг мудофаа деворларининг ўзига хослиги, улар ичидаги, баъзи жойларда кенглиги 3-3,5 м гача бўлган банкетлар (юқориги супачалар) бўлганлигидир, бу эса ушбу супалардан лой ортилган аравалар ўтишига ҳам имкон берган.

Ўрда қалъаси ғарбий тарзи билан Анхорнинг дарё поғонасининг узилиши билан туташган бўлган. Шу ерда эски шаҳар билан боғланиш учун дарвозалар жойлашган. Ушбу дарвозалар яқинида, қалъанинг ичида, катта бўлмаган бозор ишлаб турган, бу ерда ҳафтанинг маълум бир кунларида савдо қилинган. Ўрданинг мудофаа деворлари шаҳар деворларидан кўра бакувватроқ бўлган. Деворнинг жанубий-ғарбий қисми мустаҳкамроқ бўлган, бу шаҳардаги энг баланд жой бўлган.

Шаҳар кўчаларининг тармоғи ўтган асрлардан бери ўзгармаган ва шаҳар структурасидаги трассалаштириш хусусияти ва аҳамияти бўйича фарқ қилиб турган. Йирик кўчаларнинг кенглиги ўрта ҳисобда 10-15 м га тенг бўлган, узунлиги эса шаҳар чегарасида 1,5-2 километрга етган. Тошкентнинг асосий магистралларини трассалаштириш рельеф ва сув айирғичларнинг элементлари, баъзида эса тепаликнинг қирғоқлари ортидан ўтказилган. Шаҳарнинг ёрдамчи кўчалари синик, кескин қайрилган трассировкага эга бўлган. Маҳаллаларнинг чегарасидаги эгри-бугри кўчалари узлуксиз алоқа сифатида ишламаган, фақатгина маҳаллий силжишни таъминлаган холос.

Тошкентнинг XIX аср биринчи ярмидаги бозор ва гузарлар таркибига савдо расталари, карвонсаройлар ва хунармандчилик устахоналари кирган. Савдо иншоотлари четларида савдо расталари солинган пиёда юрадиган кўчалар кўринишига эга бўлган. Карвонсаройлар ички периметри бўйича шийпон ва омборхонали ҳовлини ифодалаган. Тошкентда ўн битта гузарлар ишлаб турган, улар турли ҳажмда бўлиб, шаҳарнинг тўрт қисми ҳудудида жойлашган. Четдаги бозорлар қалъанинг ташқи деворлари яқинида вужудга келган, кейин эса, шаҳарнинг катталашishi даражасига қараб уни ичкарасида қолиб кетган.

Воҳанинг стратегик майдонлари каторида мустаҳкамлаштирилган манзилгоҳлар тизими яратилган эди. Масалан, Тошкентдан ғарбда – Қаландар қалъаси, шарқда - Тошкентни сув билан таъминлаган Бўзсув каналини бош қисмини кўриклаган Ниёзбек қалъаси. Чинозда қалъа деворлар тикланган. Таърифланаётган даврда, воҳанинг кўпгина ўрта ва кичик (Зангиота, Ниёзбоши, Тўйтепа ва бошқа) шаҳарларида савдо-хунармандчилик потенциалининг ўсиши кузатилган.

Тошкентнинг Қўқон хонлиги томонидан босиб оlinиши билан (1810 йиллар), қалъа иншоотлари қалинлиги ва баландлиги бўйича кучайишини ҳисобга олиб, улар қайта қурилган. Шаҳардан шарқ томонда жойлашган,

Анхорнинг чап қирғоғидаги Янги Ўрда, ўзининг баланд рельефда туриши ва кўп сонли миноралар мавжудлиги билан фарқ қилиб турган.

Асосий магистраллар марказ ва Чорсу бозори орасидаги, шунингдек қалъа деворидаги ташқи дарвозалар билан алоқа сифатида хизмат қилган. Турар жой мавзелари орасидаги кўчалар магистралларга чиқишга эга бўлиб, заиф ривожланган.

Шаҳарнинг фазовий структурасида қурилмаган ерларнинг катта майдонлари ажралиб турган. Булар, боғлар, полизлар, шудгорлар ва дарахтзорлар бўлган. Шу сабабли, марказдан узоқроқда жойлашган турар жой мавзелари қишлоқ хўжалик майдонлари билан ўзаро ажратилган.

Ушбу қисм Тошкентнинг янги қисми шаклланишининг биринчи қисмига бағишланади. 1867 йилда Тошкент қайта ташкил қилинган Туркистон ўлкасининг маркази сифатида танланди. Тарихий шаҳарнинг жануби-шарқий томонида европача манзилгоҳ шакллана бошлади. Янги Тошкентнинг биринчи режалаштириш ечимлари ҳарбий инженерлар М.Колесников ва А.Макаровлар томонидан амалга оширилган.

Бўлимда шаҳар шаклланишини белгилаб берадиган архитектуравий мажмуа ва бинолар тадқиқ қилинади. Янги Тошкентнинг илғор ва йирик архитектуравий мажмуаси Собор майдони ансамбли бўлиб қолди. Ушбу ансамбл генерал губернаторнинг қароргоҳи (Оқ уй), Спасо-Преображенский собори ва кўнғироқхона томонидан ташкил қилинган бўлиб, умумий шаҳар қурилишида услубий жиҳатдан йўналтирувчи бўлган. Маъмурий ҳукумат комплекси 1870 йиллар бошида вужудга келган. Ушбу объектлар гуруҳининг фарқли томони, қурилишнинг мунтазамлик хусусияти ва уларнинг композицион-режалаштириш ечимларининг умумийлиги бўлган.

Константиновский майдони мавзесидаги қурилишлар шаклланишининг илк босқичи, жамоат биноларининг кам аҳамиятга эга бўлган бир қаватли турар уйларининг кескин бирикиши билан характерланади. Эркаклар ва аёллар гимназияларининг олтита корпуси барпо қилиниши билан майдоннинг ғарбий томонидан салобатли иморат қуриб битирилди. Жанубий-ғарбий томонида ўзига хос архитектуравий ечими билан ажралиб турган ўқитувчилар семинарияси биноси қурилган. Турар жой қурилиши – уй эгаларининг молиявий аҳволи (ер майдонининг ҳажми, жойлашиши ва қурилишларнинг таркиби)га қараб фарқ қилган.

1870-80 йилларда янги шаҳар худудининг ўсиши баъзи тартибсизликлар билан юз берган. Шаҳарнинг шарқий четида, Салор канали бўйида Россия империясининг турли регионларидан келган фақирлик ҳукум сурган ишчи туманлар вужудга кела бошлаган. Янги шаҳарнинг шимолий чеккасида оилали собиқ истеъфодаги аскарлар учун «слобода» (қишлоқ) жойлашган. Тор кўчанинг худудида катта бўлмаган Олой (яъни аскар) бозори ишлаб турган.

Йирик савдо объектлари гуруҳига Воскресенский бозори жойлашган савдо майдони, Соборная кўчаси ва унга туташган магистраллар бўйлаб жойлашган дўконлар ва расталар тармоғи кирган эди. Катта бўлмаган бозорчалар четдаги кварталларда ўз-ўзидан вужудга келди, кейин эса йирик

шаҳар бозорлари даражасига етди (масалан: Олой, Госпитал, Паркент ва Туркман бозорлари).

XIX аср охири - XX аср бошидаги Янги Тошкент марказининг режалаштирилиши ва қурилиши такомиллашади. Янги Тошкентнинг қуриб битказилган марказий қисмининг тубдан қайта қурилишига Каспий денгиз орти (XIX аср охири) ва Оренбург (XX аср боши) темир йўлларининг ўтказилиши ёрдам берди, шу сабабли шаҳар кўп миқдордаги қурилиш материаллари билан таъминланди. Айниқса, у Константинов майдони ҳудудида, Соборний проспектида ва янги шаҳар марказининг айрим жойларида ҳам кенг ёйилган эди.

Тошкентнинг янги структураси шаклланишидаги ўзгариш даври XIX аср иккинчи ярми - XX аср боши бўлган. Бу даврда, чор Россиясининг босиб олиши сабабли ва тарихий Тошкент шаҳри ёнида янги европа манзилгоҳи вужудга келиши натижасида шаклланган, шаҳарнинг икки қисмга бўлиниш ҳодисасига дуч келган.

Шаҳарнинг янги қисми архитектурасини тадқиқоти натижасида, унинг ҳар бир ривожланиш босқичларининг ўзига хослиги аниқланди. Архив материаллари асосида янги Тошкентнинг илк режалаштириш принциплари аниқланди, шаҳар шаклланишида иштирок этадиган ансамбл ва биноларнинг ўзига хос хусусиятларига тавсиф берилди.

Тарихий тузилган Тошкент чор Россиясига бирлашганлигининг илк йиллари эски шаҳарда қайта режалаштириш бўйича йирик ишлар амалга оширилган, шаҳарликларнинг турмуши ва яшаш тарзи кўп йиллик анъаналар асосида сақланиб қолган эди. Тарихий Тошкент, радиал-ҳалқа кўчалар тизимини ўз ичига олган шаҳарни ифодалаган. XIX-XX асрлар оралиғида шаҳарнинг ўсиши натижасида, унга яқинлашган шаҳар атрофидаги йўллар шаҳар ичида фойдаланиладиган магистралларга айланиб, бир вақтнинг ўзида янги маҳаллалар билан ўралиб борган.

Тошкент шаҳри маҳаллаларидаги иморатлар ва ҳовлиларнинг меросхўрлар сонига бўлиниши оқибатида, аҳоли ва ҳовли жойлар сони кўпайиши янада зичлашиб борган. Маҳалланинг ички кўчалари тармоғи охирларида сон-саноксиз миқдордаги тор ва берк кўчаларга етиб борган. XX асрнинг бошига келиб, эски Тошкент шаҳрининг тадқиқотчилари маҳаллалар чегараларини тўғри аниқламаганлар, айниқса марказий ҳудудларда. Бундай шаҳар мавзелардаги маҳаллалар зич қурилган зоналарни касб этган, улар ҳеч қандай ҳудудий чегараларни белгилаш сифатларисиз амалга оширилган.

Тошкентнинг XIX аср охири - XX аср бошидаги маҳаллаларининг турар жойлари ташқи дунёдан бутунлай ажратиб қўйилган. Ушбу ҳолат кўп ҳолларда ҳовлиларни икки қисмга – «ташқари»-меҳмонхона ва «ичкари»-ҳилват ҳовлига бўлиниши натижасида эришилган. Бундай бўлиниш, турли тўкинчиликга эга хонадонларда бир канча фарқ қилган. Давлатманд одамларнинг ҳовли-жойларида ташқари ва ичкари иккита тенг ҳуқуқли хўжалик ва яшаш хоналарга эга ҳовли мажмуасини касб этган. Кам таъминланган уйларда баъзида ташқари бўлмаган, лекин уй ичидаги йўлакда меҳмонлар ва ташриф қилувчилар учун ажратиб қўйилган хона бўлган.

Шаҳарнинг асосий бозори – Чорсу (эҳтимол XVIII асрданок) маъмурий жиҳатдан учта ҳудудий зоналарга бўлинган – Бешёғоч, Кўкча ва Себзор. Уларнинг ҳар бири шаҳарнинг маълум бир даҳасига қарашли бўлган. Режавий жойлашув тартибига кўра савдо расталарнинг асосий сони меридиан йўналишида жойлашган. Уларнинг узунлиги ихтиёрий бўлган ва 15-20 м (масалан, Чопон раста)дан ва 60-70 м (Қассоб ва Қовун раста)гача фарқланган.

Тошкент маҳаллаларининг масжидлари диндорлар сонининг маълум миқдори мўлжалида ва кўчаларнинг аниқ чегараларида барпо қилинган. Масжидлар сони шаҳарда доимо кўпайиб борган, XX аср бошига келиб эса 250 тага етган эди. Масжидларнинг турар уйлар орасида қурилиши ўша вақтдаги шаҳарсозлик принципларига асосланган ҳолда амалга оширилган. Йирик кўчаларнинг бурилиш жойларида ва кўчалар билан тор кўчаларнинг кесишган жойларида, кўкламлаштирилган майдонли масжидлар ва катта бўлмаган мадрасалар қурилган, улар ўртасида кўпинча оқар сувли ҳовузлар ўрнатилган.

Тошкентда XIX аср иккинчи ярмига келиб, юздан кам бўлмаган ўқув юртлар (мадраса ва мактаблар) мавжуд бўлган. Улар ўзаро, ўзларининг кўламлари, шаҳар структурасидаги жойлашиши ва битирувчиларни тайёрлаш даражаси билан фарқ қилган.

Йирик мадрасалар очик шаҳар қурилиши тугунлари ҳудудида, йил давомида одам гавжум жойларда жойлаштирилган. Катта бўлмаган мадрасалар алоҳида, маълум бир ҳудудий мавзени қамраб олган ҳолда жойлаштирилган ва вақт ўтиб, улар атрофидаги иморатлар доминанти бўлиб қолган. Мактаблар маҳалла масжидларининг ҳовли қисмида қурилган ва улар сони ҳар бир аниқ вазиятда ўша ерда яшайдиган аҳоли сони ва унинг интеллектуал даражасига боҳлиқ бўлган.

Маҳалланинг ҳар бир фуқароси Тошкент атрофидаги маълум бир ер-жойга эга бўлган. Шаҳарликларнинг бундай шаҳар яқинидаги улушлари «дала ҳовли», расмий ҳужжатларда эса – «мавзе» деб аталган. Бир неча йиллар давомида бир маҳалла фуқароси томонидан бир хил ер майдонига эгалик қилгани кузатилмаган. Вақтинчалик (мавсумий) қишлоқ хўжалик ерларига эгаликлар сабабли, мавзе ҳудудида капитал қурилишлар барпо қилинмаган, вақтинчалик уй (муваққат) ва шийпонлар билан кифояланилган. 1865 йилдан сўнг мавзенинг катта қисми, маълум бир шаҳар маҳалласининг фуқаросига шахсий мулк сифатида мерос ҳукуқи билан бириктирилган.

XIX асрнинг иккинчи ярмига келиб, кўпгина ибодат иншоотларида бунёдкорлик ва қайта тиклаш ишлари амалга оширилган. Уларнинг дастлабки (ўрта аср) режалаштириш ва функционал тузилишида баъзи ўзгаришлар амалга оширилган. Бундай ишлар шаҳарнинг иккити йирик – Ҳазрати Имом ва Шайхонтохур мажмуаларига ҳам тегишлидир. Қайта қурилиш тадбирларининг сабаблари, ушбу мажмуаларни шаҳар ҳудудига киритиш ва ўша йиллар ҳукмдорларининг ўтган асрлар сўфийларининг ибодатларига алоҳида эътибор беришлари бўлган.

Эски Тошкентнинг Чорсу бозори қаторларини ободонлаштириш ва қайта режалаштириш ишлари 1886-1887 йилларда шаҳар маъмурияти томонидан бошланиб, босқичма-босқич давом эттирилган. Ушбу ишларни амалга ошириш жараёнида карвонсаройларнинг бир қисми бузиб ташланган, уларнинг ўрнига эса усти ёпиқ савдо кўчалари – тимлар барпо этилган. Худди шу ерда Россия ва хорижий давлатларнинг катта мануфактураси, яъни «Савва Морозов ва К», «Циндал» ва шунга ўхшаш фирмаларнинг бинолари қурилган.

Тошкент воҳасининг тарихий манзилгоҳларидан бири Чиноз сўнгги ўрта аср даврида, савдо ва аграр кишлоқларни ўз ичига олиб, шу жиҳатдан регионнинг асосий шаҳри – Тошкент билан қандайдир ўхшашликларга эга бўлган.

Тўйтепа манзилгоҳининг янги режалаштирилган ҳудуди Тошкентга олиб борадиган транзит транспорт магистрали бўйлаб шаклланган. У ўз ичига зич қурилган ва маҳаллаларнинг кичик кўчалари жойлашган турар жой тузилмаларини олган. Тўйтепадаги бозор Чирчиқ дарёсининг чап қирғоғидаги ҳудудда жойлашган йирик савдо пунктлари қаторига кирган.

XIX асрнинг иккинчи ярмида Зангиота манзилгоҳи қурилишининг асосий қисми қадимги Чиноз – Тошкент карвон йўли бўйлаб жойлашган. Натижада, бу аҳоли пунктнинг магистрал бўйлаб жойлашган режалаштириш структураси масофали ривожланишга эга бўлди.

XIX асрнинг иккинчи ярмида Тошкентнинг иқтисодий потенциали, унинг яқин ва узоқ регионлар билан савдо алоқаларининг жадал ривожланганлиги сабабли, тезлик билан ўсиб борган. XX асрнинг бошида шаҳар шаклланаётган Ўрта Осиё бозори маркази бўлиб қолган.

XIX аср охирига келиб эски Тошкент қалъа деворининг ташқарисигача чиққан. Кўплаб шаҳар атрофидаги кишлоқлар аста-секинлик билан шаҳар ичига кирган. У ерларда, қурилишнинг ўсиб бориши жараёнида, турар жойлар – маҳаллалар шаклланган.

Маҳаллалар маълум қисмларининг қурилиши режалаштирилган беркликка эга бўлган. Тузилишига кўра маҳаллалар, жамоат маркази атрофида маҳалла масжиди билан бирлашган ҳовли-жой гуруҳларидан ташкил топган. Мавзеларнинг ичкарисида жойлашган ва ўзларининг боғ-роғлари билан, транспорт юрадиган кўчалардан тўсилган, баъзи маҳаллалар кишлоқ жойларига хос бўлган.

Шаҳарнинг йирик мемориал ансамбллари – Ҳазрати Имом, Шайхонтохур, камроқ аҳамиятлилари – Шайх Зайниддин бобо, Хўжа Аламбардор, Шайх Ҳайрабод Эшон, Чўпонота мажмуалари ва бошқалар бўлган. Буларнинг барчаси ибодат архитектурасининг ўзига хослиги билан бир-бирига жуда ўхшаш режалаштирилган характерга эга бўлган.

Диссертациянинг 4-боби **«Тошкент шаҳрининг замонавий даврлардаги ривожланиши»** деб номланган. 1920 йиллар бошида Тошкентда шаҳар ҳудудининг шиддатли ўсиши вужудга келган ва шу даврда унинг режалаштирилиши устидан назорат олиб борилмаган. Шундай қилиб, тартибсиз равишда қурилган йирик индивидуал ҳовли-жойлар даҳалари

кўпаяди. Бу ҳолат, айниқса, Тошкентнинг янги, шарқий қисмида кузатилган. Тошкентни қайта тиклашда «Эски шаҳар ерларининг ишчи шаҳарчаси ва янги бирлашган марказ учун режалаштириш режаси» (1928-29 йй.) номидаги лойиҳа иши алоҳида аҳамиятга эгадир. Унинг моҳияти тарихий шаҳар аҳолисининг ўта зичлиги масаласи ечими, шаҳар ва ишчилар шаҳарчаси ўртасидаги алоқани ташкиллаштириш, ягона шаҳар марказини яратишдан иборат бўлган.

Бу бобда Тошкентнинг 1929-1931 йилларда (А.Сильченков) ишлаб чиқилган қайта режалаштириш лойиҳаси кўриб чиқилади. Ушбу лойиҳадан мақсад, икки алоҳида ажралиб турадиган (эски ва янги) шаҳар қисмларининг режавий бирлаштирилиши бўлган. Муаллиф ўз олдига асосий мақсад қилиб – янги ижтимоий Тошкентнинг лойиҳасини ишлаб чиқишни қўймаган. Гарчи лойиҳанинг шаҳарсозлик йўналиши шаҳарнинг ягона режалаштириш структурасининг шаклланишидан иборат бўлсада, бироқ ўша давр қарашлари талабига жавоб бермаган.

Илгариги Соборний майдонига 1920 йилда Красная майдони номи берилган (ҳозирда Мустақиллик майдони). Ушбу қисм бўйича олиб борилган қайта тиклаш ишларининг бошланиши республика пойтахтини Самарқанддан Тошкентга ўтказилиши билан боғлиқдир. Дастлабки талаблар, бино қурилишининг қисқа муддатларда бажарилишидан иборат, ушбу бино «Оқ уйга» тақаб солинган бўлиши мумкин бўлган ва ЦИК, СНК ва Республика госпланини ўз ичига олиши мумкин эди. Натижада Тошкентнинг бош майдонида бинолар барпо қилинган, ушбу биноларнинг архитектура усули конструктивизмнинг соддалаштирилган вариантини ифодалаган ва шошилиш тарзда амалга оширилган.

Диссертациянинг ушбу қисмида 1932-37 йиллардаги Тошкент ва унинг маркази режалаштирилишининг тамойиллари тадқиқ қилинади. Қайта шаклланган архитектуравий-режалаштирилиш бошқармасида (АПУ, 1933 й.) маҳаллий мутахассислар гуруҳи томонидан Тошкентни янги қайта тиклаш лойиҳасига вазифалар тузилган. Унда шаҳар янги қисмининг қисман реконструкцияси ва шаҳарнинг тарихий шаклланган зонасининг бутунлай, лекин аста-секинлик билан қайта қурилиши кўзда тутилган. Шаҳарнинг ривожланишида очувчилик вазифасини бажарадиган кўчаларни (Навоий, Бешёғоч, Шота Руставели, Кўкча) қайта тиклаш масаласи қўйилган. Ушбу кўчаларни қайта қуришнинг моҳияти, уларни текислашдан ва у ерда янги ер майдонларини яратган ҳолда, чорраҳа майдонидан аста-секинлик билан архитектуравий биноларни қуришдан иборат эди. Турар жойлар қурилишини қисқа муддатларда амалга ошириш кўзда тутилган, шу билан бирга дастлабки вақтларда шаҳар канализациясиз эди.

Тадқиқотда шаҳар кўчалари ва майдонларининг қурилишлари таҳлил қилинади. 1930 йилларда қисман қайта тиклаш чора-тадбирлари олиб борилган, улар давомида марказий кўчалар қурилишидаги ўзгариш ва тўлдириш ишлари биринчи даражали аҳамиятга эга бўлган. Янгиликнинг характерли жиҳатлари сифатида ўша даврда К.Маркс кўчаси – шаҳарнинг бош ва гавжум жойларидан бири бўлган. 1930 йилларда олиб борилган қайта

тиклаш ишлари жараёнида Сквер революция кўчасининг периметрик қурилиши катта ўзгаришларни бошдан кечирган. Тошкентнинг бино қурилиши қаторидаги «миллий усулни» ва амалга оширилмаган лойиҳаларни таърифни кўрсатиб, шуни таъкидлаш жоизки, ушбу янгиликлар кўп ҳолларда, замонавий конструктив услубларининг айрим миллий шакллар билан бириктиришга ҳаракат қилинганлигини кўрсатиб ўтган.

Собиқ совет иттифоқи даврининг бозор фаолияти соҳасидаги асосий мақсади барча турдаги савдо объектлари ва маҳсулотни реализация қилишдаги шахсий мулкни йўқ қилиб ташлаш бўлган. Тошкент бозорининг катталиги бўйича иккинчи ўринда турадиган Воскресенский бозорининг фаолияти 1933 йилда Соборная кўчасидаги дўконларнинг эски эгаларидан мусодара қилингандан сўнг тўхтатилган. Тошкентнинг қайта жойлаштириш режаси бўйича Воскресенский бозори бузиб ташланган, ўрнига эса шу ҳудудда Академик опера ва балет театри қурилиши режалаштирилган.

Опера ва балет театрининг лойиҳалаштирилиши ва қурилиши 1930 йилларда шаҳарнинг энг йирик реконструкция ишлари қаторига кирган. 1934 йилда ушбу лойиҳа бўйича ўтказилган конкурс Ўрта Осиё архитектурасида кескин ўзгариш пайти бўлган, классик ва миллий меросдан фойдаланишга боғлиқ бўлган янги йўналишнинг бошланиши бўлиб қолган эди. 1947 йилда А.Навоий номидаги театрнинг қурилиши битказилди. Шу билан бирга шаҳарнинг гавжум жойи реконструкция қилинди, Театр майдони кўкламлаштирилди ва сув келтирилди, собиқ савдо марказининг кам қийматли иморатларининг қайта тиклаш масаласи ҳал қилинди.

Шунингдек, Тошкентнинг 1930 йиллар охиридаги қайта режалаштириш жараёни тадқиқ қилинади. Аҳоли сони 1920 йиллар бошига нисбатан деярли уч баробарга кўпайган ва 560 мингтани ташкил қилган. Уй-жой фонди деярли бутунлай бир қаватли хом ғиштли бинолардан ташкил топган, уларнинг кўпларининг хизмат қилиш муддати ўтган бўлган (айниқса эски шаҳар қисмида). 1938-39 йилларда А.Кузнецова гуруҳи томонидан тугатилган қайта режалаштириш лойиҳаси, ривожланишнинг асосий йўналишининг аниқлаш билан бир қаторда, шаҳар ва унинг марказининг амалий реконструкцияси масаласини яқин йиллар мобайнида аниқлаштирилмаган.

Муҳим объектлар сифатида Қизил майдонда жойлашган объектлар билан, улар яқинидаги ансамбллар: А.Навоий номидаги театр, К.Маркс, Ленинградский, Навоий кўчалари тан олинган. Шаҳарнинг бошқа магистраллари бўйича ишлар режалаштирилган – Руставели, Энгельс, Шевченко ва Олмазор трассасининг (ҳозирда Бобур) жанубий қисми. Ушбу тадбирларнинг барчаси, реконструкция лойиҳасини биринчи навбатига, уч йил муддатда реализация қилиш шарти билан кирган, лекин 1941 йилда бошланган уруш туфайли амалга оширилиши тўхтатилган.

1920-30 йиллар Ҳазрати Имом мажмуасининг ҳудудида кўп асрлик қабрлар олиб ташланган. 1924 йилда Шайхонтоҳур мажмуасининг ибодат иншоотлари зиёрат учун ёпилган. Қабрлар ва ибодат-мемориал иморатлар ўрнига биринчи шаҳар стадиони барпо этилган, унинг яқинида эса юридик

(кооператив) институтнинг икки қаватли биноси қурилган. Ўттизинчи йилларда Занги ота қишлоғи ёнидаги ҳудуд сургун ва қамоқ жойи бўлган. Авлиё Ой Хўжа ва унинг умр йўлдоши Амбар она мақбараси зиёрат учун ёпилган.

1929 йил Тошкентнинг реконструкциясини амалга оширишдаги асосий босқич ҳисобланади. Биринчи лойиҳа (А.Сильченков, 1929-1931 йй.) ернинг табиий рельефи ва эски шаҳар ривожининг тарихий шартларини ҳисобга олмаган ҳолда, амалга оширилмай қолган.

Мунтазам шаҳарсозликнинг декларатив тамойиллари билан боғлиқ бўлмаган Тошкентнинг қайта режалаштириш янги лойиҳаси, 1930 йиллар ўрталарида АПУ Ташгорсовет гуруҳи томонидан (А.Семенов) ишлаб чиқилган, кейин эса А.Кузнецов гуруҳи томонидан (1939 й.) охирига етказиб қўйилган. Уни амалга ошириш жараёнида, Тошкентнинг тарихий қисми орасидан янги кўчалар ўтказилган ва эскилари кенгайтирилган (масалан, Навоий, Фурқат ва бошқалар).

Иккинчи Жаҳон уруши бошида Россия ва Украинанинг марказий қисмларидан кўп сонли саноат корхоналари Тошкентга эвакуация қилинган. Аҳолининг сони сезиларли даражада кўпайган (армияга чақирилганларни ҳисобга олган ҳолда) 600 мингдан 1940 йилда, 726 минггача 1943 йилда. 1946 йилга келиб шаҳар ҳудуди, уруш йилларидаги янги, кўзда тутилмаган қурилишлар ҳисобига, 13 минг гектаргача ўсган. У, бош тархдаги (1939 й.) узок истикболгача (1960 йилларга) кўрсатилган кўрсаткичларга мос келиб қолган. Урушдан кейинги йилларнинг асосий шаҳарсозлик чора-тадбирлари қуйидагилардан иборат бўлган: эски шаҳар магистралларининг кенгайтириши, янги объектлар билан қурилганлиги; 2-4 қаватли бир типдаги турар жойларнинг ишлаб чиқилиши ва уларни янги турар жой даҳаларида оммавий қўллаш; шаҳар марказини архитектуравий безаш, кўчалар бўйлаб ифодали бинолар қурилиши; республиканинг ҳукумат майдони бўйлаб лойиҳалаш ва қурилиш ишларининг амалга оширилиши.

Республиканинг бош майдони реконструкциясининг конкурс лойиҳа ишлари 1946-1947 йилларда, Тошкентнинг кўпгина шаҳар ҳудудларининг қайта режалаштирилишига муҳим таъсир кўрсатди. Режалаштирилган ишлар моҳияти, факатгина ансамбл майдонининг энг маъқул вариантини танлашда бўлибгина қолмай, шаҳар бош майдонининг бошқа ижтимоий вазифага эга зоналар билан ўзаро алоқасини аниқлашдан иборат ҳам бўлган. Хусусан обод қилинмаган ғарбий ҳудуд билан. Шаҳарсозлик масалалари билан бир қаторда конкурсда майдон архитектурасининг услубий йўналиши аниқланиб борган.

Ушбу бобда шаҳарнинг 1940-1950 йиллардаги архитектуравий қиёфаси кўриб чиқилади. Бу борада, биринчи галдаги бино қурилишнинг жойлаштирилиш принципи, шаҳар ҳудудлари орасидаги қулай алоқларнинг ўрнатилганлиги ва бир вақтнинг ўзида магистраллар ва майдонларда ижтимоий вазифага эга мажмуаларни қурилганлигига қараб аниқланган. 1950 йиллар даврида кўчаларни архитектуравий безаш ишлари, бино тарзларини қайта таъмирлаш ишлари, айрим ҳолларда қўшимча қаватлар қурилиши, пиёда юрадиган кўчаларни обод қилиш, шунингдек йирик бўлган

майдонларда партия арбоблари шарафига ёдгорликлар ўрнатиш ишлари амалга оширилган.

Урушдан кейинги йилларда Тошкентнинг ғарбий қисмида жойлашган, шаҳар атрофидаги жойлар (Кўкча майдони) индивидуал қурилишлар учун ажратиб қўйилган. Бу ерда, собиқ колхоз ерларига эски шаҳар аҳолисининг кўчирилиши бошланган, уларнинг уй-жойлари Навоий, Бешёғоч кўчаларининг кенгайтирилиш ва Фурқат кўчаси ўтказилиши жараёнида бузиб ташланган. Шундай равишда аста-секин бир қаватли турар жой иморатлари шаклланган – ҳозир мавжуд бўлган Самарқанд дарвоза, Кўкча ва Оқлон даҳалари.

1955 йилда Тошкентда уйсозлик комбинатининг (ТашДСК-1) барпо қилиниши бошланган, бу эса, уй-жой қурилишини индустриал асосга ўтказилишига имкон яратган. 1956 йилда биринчи «Чилонзор» турар-жой даҳаси, олдинги колхоз ерларида Тошкентнинг жанубий-ғарбий қисми атрофидаги жойларда барпо қилинади. 1960 йиллар бошида индустриал қурилиш шаҳарнинг шимолий-шарқий қисмини қамраб олган, у ерда секин-асталик билан «Черданцев», «Высоковольтный» ва «Северо-восток» кварталлари борпо этилган.

Бозорларни қайта режалаштиришнинг биринчи босқичи 1950 йиллар ўрталарида амалга оширилган. Масалан, Чорсу бозори режалаштирилган характерга эга бўлган. Бозор ҳудудида жойлашган эски ва вақтинчалик қурилган биноларнинг кўп қисми бузиб ташланган. Қадимги бозорнинг Регистон майдонида йирик қайта қуриш ишлари олиб борилган. Эски савдо расталарининг ўрнига, бир чизикда жойлашган режалаштириш тамойилларини сақланган ҳолда янгилари қурилган.

Шаҳарнинг қолган (Олой, Бешёғоч, Госпитальный, Туркменский ва бошқа) бозорларини қайта тиклаш жараёни Чорсу бозори бўйича олиб борилган ишлар билан ўхшаш. 1960-70 йиллар давомида ушбу бозорларнинг ҳудуди, давлат савдоси объектлари қурилиши учун кенгайтирилган. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини реализация қилиш бўйича хусусий сектор, енгил савдо тимлари тагида жойлашган махсус майдонга жойлаштирилган.

Бобда шунингдек тарихий-архитектуравий ва мемориал мажмуалар кўриб чиқилади. Ҳазрати Имом мажмуаси бўйича олиб борилган чора тадбирлар қаторига, қадимги қабристон ўрнига, Ҳазрати Имом мақбараси ёнига кинотеатр, унинг ёнига Мўйимуборак мадраса - мактаб барпо қилинишини ҳам қўшса бўлди. 1950 йилларда Шайхонтоҳурнинг жанубий ҳудуди иккита тарихий бинолар билан ўралган – чортоқ ва Эшонқул Датхо мадрасаси, ўша даврда кинофабрика сифатида фойдаланилган. Бироқ 1960 йилларнинг бошида ушбу икки архитектура ёдгорликлари бузиб ташланган, уларнинг ўрнига эса илмий текшириш институтининг узайган корпуси қурилган.

1966 йилдаги зилзиладан кейинги даврдаги табиий офатнинг оқибатлари Тошкентни қайта режалаштириш ишларининг кўлами ва темпига таъсир кўрсатган, шу билан бирга иншоотларнинг зилзилабардошлиги талабларини кучайтирган. Шаҳарнинг илгари ишлаб чиқилган (1966 йил май)

бош режаси тасдиқланган. Биринчи навбатдаги қурилиш бўш қолган ерларда қурилган, у ерда муҳандислик тармоғи ва ишларнинг ривожланиши учун шароитлар мавжуд бўлган, улар қаторига «Чилонзор» ва «Высоковольтный» массивлари кирган. Кенг кўламдаги қурилиш ишлари Бош режани корректура қилишни талаб этган (1968 й.), бу ишларнинг кам-кўсти эса 1970 йилда тугатилган.

2010 йилгача бўлган даврда йирик режалаштирилаётган туманларнинг, турар жой даҳаларининг ишлаб чиқариш корхоналарига яқинлашганлигидан келиб чиққан ҳолда, шаҳар аҳолисининг турмуши ва дам олишининг комплекс масалаларини ҳал қилиш билан бирга шаклланиши кўзда тутилган. Кварталларнинг катта қисми яқин жойлашган ишлаб чиқариш зоналарининг ишчилари билан эгалланган (масалан «Авиасозлар», «Ташавтомаш» ва бошқа мавзелар), уларнинг қурилишини ўзларининг корхоналари маблағи ҳисобига амалга оширилган. Марказнинг янги композициясида иккита асосий ўқ – кенглик, яъни революция Скверидан (ҳозирда Амири Темур сквери) Охунбобоев (ҳозирда Чорсу майдони) майдонигача ўтган, узунлиги 4 км ва меридионал – икки километрли яшил хиёбон кўринишида бўлиб, улар Анҳор ва Бўзсув каналлари бўйлаб жойлашган.

1970-80 йиллардаги Тошкентнинг бозорларида янги барпо қилинган объектлар, масалан Чорсу бозорида жойлашганлари (1980 йиллар), ўзаро боғланган очик ва ёпиқ типдаги савдо павильонлар мажмуаларини ифодалаган. Асосий савдо корпуси диаметрининг асоси 80 метрни ташкил қилган шарсимон гумбаз шаклида бўлган. Ўша даврдаёқ, янги турар жой массивларида, махсус қурилиш меёрлари ўрнатилган (ҚМК), ҳар бир савдо участкаси аниқ зоналаштирилган (Юнусобод, Фарҳод, Авиасозлар, Қорақамиш, Тракторсозлар) бозорлари пайдо бўлган. Уларни барпо этилишида хизмат кўрсатиладиган ҳудудда яшовчилар сонини, аҳолининг бозорга кириш йўлини, шунингдек бозорнинг йирик транспорт чорраҳаси ҳудудига яқинлашган жойларини ҳисобга олганлар.

Тошкент, эски икки структурали шаҳарни қайтадан режалаштириш ишлари бўйича новаторлик ғояларининг, янги типдаги ижтимоий ва турар жой биноларини ишлаб чиқишнинг ташаббускорларидан бири бўлган. Тошкентни қайта тиклаш ишларидаги дастлабки бош режасини амалга ошириш натижасида, кенг кўламли магистраллар ўтказилди, маданий-маиший муассасалар қурилди, истироҳат боғлари ва бошқа аҳолининг оммавий ҳордиғи учун мўлжалланган объектлар барпо этилди.

Алоҳида эътибор, шаҳар марказининг қурилиши масаласига қаратилди. Хусусан, 1966 йилдаги умумшаҳар марказининг лойиҳасига катта заҳира ва имкониятлар тикилган. Унинг негизига, шаҳарнинг ғарбий қисмида жойлашган эски иморатларни, худди шундай, шарқий (олдинги янги) қисмидаги ўрнига танланган жойларни ва иншоотларни бузиб ташлаш услуги қўйилган.

Мустақилликка эришилгандан сўнг (1991 й.) шаҳар ривожининг стратегияси қисман ўзгартирилган ва унинг қуйидаги йўналишлари қабул қилинган:

туманларнинг босқичма-босқич қайта режалаштирилиши, шу қаторда эски қисмда, кам қийматли уйларни бузиш йўли билан, қадимий кўчаларни кенгайтириш ва замонавий турар жой мажмуаларни барпо қилиш;

транспорт тармоғини ривожлантириш, икки ички айланмали катта имкониятга эга тезкор магистраллар яратиш;

сув ва кўкаламзорлар ташкил қилиш (парклар, сув ҳавзалари ва спорт иншоотлари);

кулайлик, зилзилабардошлик ва архитектуранинг талабларини ҳисобга олган ҳолда, янги кўп қаватли уйлар барпо этилиши, айниқса Тошкентнинг марказий ҳудудларида;

эски шаҳарнинг қайта тикланиши шароитларида муҳим масала сифатида, тарихий мажмуаларни сақлаб қолиш бўлган, шу ўринда, замонавий қурилиш ва қайта таъмирлаш ишлари ўртасида ўзаро мувофиқликни ўрнатиш керак бўлган.

1990-2000 йилларда олдинги ягона умумшаҳар маркази концепциясидан, Навоий, Шаҳрисабз, Ўзбекистон ва Фурқат кўчалари чегарасидаги қурилиш ишлари орқали секин-аста четга чиқилган. Тошкент ҳудудида, бир меъёردа тақсимланган, бир йирик марказ ўрнига ижтимоий режалаштириш туташган жойлар тармоғини яратиш мўлжалланган йўналиш қабул қилинган. Улардан бир қисми, йирик транспорт чорраҳалари ва метрополитен станцияларида ривожлана бошлаган.

Тошкент бозорларининг ривожланиш жараёнидаги ўзгаришлар савдо иншоотларнинг режалаштирилган қурилиш тизимини, уларни бозор ҳудудида функционал жойлаштирилишини ҳам эгаллаган. Кўпгина бозорларда аввалги барча давлат ва колхоз савдосига оид объектлар, улар қаторида умумий овқатланиш иншоотлари (масалан Олой) бузиб ташланган. Территориялар жадаллик билан кенгайган, транспорт йўллари яхшилашган, автомобил тўхташ жойлари жиҳозланган.

Чорсу (Эски Жўва) бозорида аввалги 1980 йиллардаги режалаштириш концепциясини инкор қилишга, ташқи архитектуравий ифодали, ёрқин гумбазлар ва улкан савдо павильонга эга бўлган бозор яратишга қарор қилинган. Унинг ўрнига деярли қулай, функционал зарур бўлган ва тез барпо қилинадиган иншоотларнинг қурилиши бошланган.

Тарихий-архитектуравий ёдгорликларни қайта тиклаш натижасида 2006 йилда Ҳазрати Имом мемориал ансамбли ҳудудида кенг кўламдаги ишлар бошланди. Мажмуа ҳудудида жойлашган эски номунтазам ва зич қурилган бинолар, режалаштирилган яшил майсазорлар ва янги маънодаги биноларга алмаштирилган. 1999 йилда, янги минг йиллик арафасида, Шайхонтохур диний-мемориал мажмуа иншоотларига ўзининг аввалги теологик вазифаси қайтарилган. 2008 йилда тарихий мажмуанинг шимолий ҳудудининг, ўрта аср ёдгорликлари ёнларининг (ишлаб чиқариш иншоотларини бузиш йўли билан) қайта тиклаш ишлари бошланган. Бу ерда, ўзининг атрофидаги тарихий ёдгорликлар билан муваффақиятли равишда уйғунлашган университетнинг янги биноси қурилган.

1989 йилда Занги ота мажмуасига аввалги вазифаси қайтди – авлиё Шайх ва унинг рафиқаси Амбар она қабрларини зиёрат қиладиган жой сифатида. Ансамбл бинолари таъмирланган, мақбараларнинг олд қисмлари суғориш манзараси билан бойитилган. Ёдгорлик мажмуанинг парк қисми қайта қурилган, бу ерда, майсазорлар ва манзарали дарахтлар орасида, зиёратчилар учун дам олиш жойи ташкил қилинган.

Тошкентнинг Мустақиллик майдони бўйича биринчи навбатдаги масалалар қаторига, майдоннинг аввалги ғоявий рамзларини алмаштириш бўлган. Ушбу борада ўтказилган конкурс натижасида (1992 йил март) эски ёдгорлик ўрнига Мустақиллик монументи ўрнатилди. Майдоннинг шимолий қисмида жойлашган Номалум Аскар мемориал мажмуаси 1999 йилда қайта тикланган. Қайта режалаштириш ишлари жараёнида, бу ерда, Хиёбон ва Иккинчи Жаҳон урушида ҳалок бўлган ўзбекистонликлар номлари битилган «Хотира» майдони барпо қилинди.

Ишларнинг кейинги босқичи 2004 йилда тугатилган. Аввалги Ҳукумат уйи ўрнига Республика Сенати биноси қурилди. Сенат биносининг архитектураси, режалаштирилган функционализм ва декоратив шаклларнинг ташқи уйғунлигини бирлаштирган ҳолда, бионинг қатъийлиги ва улуғворлигини оширган.

Мустақиллик майдонининг қайта тикланган ҳудудлари тузилиши жиҳатдан, йирик, кўкаламлаштирилган фавворалар мажмуасига эга, ўзига хос боғ манзараси ва турли хил гуллар ва игнабаргли дарахтларни композицион бирлигини яратадиган ҳудудларни ифодалаган.

Мустақиллик майдонининг архитектураси ва боғ санъатига, меҳрибон ва олийжаноб мақсадлар «Эзгулик арки» иншооти ва Мустақиллик монументи – «Бахтиёр она» ҳайкалтарошлик композицияси қўшимча бўлди. Ҳайкалтарошлик (парвоз қилаётган лайлақлар) гуруҳининг ва Мустақиллик монументининг жорий қилиниши Мустақиллик майдони ансамблида уларнинг ҳукмрон ҳолатини ажратиб кўрсатади.

Амир Темур майдонида амалга оширилган қайта қуриш ишлари мустақиллик йилларида унинг тузилишининг режалаштирилиши тубдан ўзгаришларга олиб келди. Аста-секин сквер ҳудуди кам маъноли ора-сира жойлашган бинолардан озод қилина бошланди. Уларнинг ўрнига маъмурий ва маданий-манзаравий аҳамиятдаги иншоотлар барпо этилди, масалан, сквернинг шимолий томонидаги бир қаватли хўжалик бинолари ОДО ўрнида Темурийлар тарихи музейи қурилди (1995 й.).

Халқ банки биноси, путур етган томоша кўрсатадиган иморатлар қурилган шаҳар парки ҳудудидан жой олган. Сквернинг жанубий майдонини яқунлаш ишлари, маъмурий мажмуа сифатида фойдаланилган тўрт қаватли бионинг қайта қурилиши (1950 йиллар иморати) ва унинг атрофидаги кам қаватли иморатларни бузиш билан боғлиқ.

Муҳим тарихий-архитектуравий объект – шаҳар куранти сақлаб қолинган ва ойнада барпо қилигандек иморат – иккинчи ўхшаш нусхаси билан тўлдирилган.

Тараққиёт ва Йўлдош Охунбобоев кўчалари ўртасида монументал бино - «Ўзбекистон форумлар саройи» қурилиши амалга оширилган. Бу эса ҳудуднинг транспорт оқимларини тартибга солишни, эски иншоотларни бузиш ҳисобига янги очик яшил муҳитларни яратишни талаб этган.

Сквернинг яшил мавзелари, кўп йиллик дарахтларни анчагина қисқартириш йўли билан кескин ўзгарди, ушбу ўзгариш Амир Темур монументининг айланма кўриниши учун очиб берганлиги билан исботлаган.

Натижада форумлар саройи олдида йирик бўш майдон пайдо бўлди, шунинг билан бир вақтда айланма транспорт ҳалқасида тарихий ва замонавий бинолар кўрина бошлади.

Сквер яшил майдонининг зичлаштирилиши дастлабки шаҳарсозлик ғояларининг (1870 й.) қайтишига олиб келди – узоқ жойлардан монументал иншоотга радиал магистралларни сквер марказидаги кўриниши – Амир Темур ҳайкалининг очилишидир.

Мустақиллик йилларида Тошкент Шарқнинг обод ва кўркем шаҳрига айланди. Шаҳарнинг қайта режалаштириш услуби ўзгарди, унда, биринчи даражада тезкор ҳалқа магистралларининг яратилиши билан бир қаторда, транспорт тармоғини қайта тиклаш ишлари бўлди. Шаҳарнинг марказий ҳудудларида кенг кўламли қурилиш ишлари амалга оширилган, унда кам қийматли объектларни бузиш йўли орқали замонавий архитектуравий мажмуалар барпо қилинган. Парклар, скверлар, бульварларни ўз ичига олган кўкаламзорлар шаҳар тузилишида муҳим ўрин эгаллаган.

Пойтахтда қулай ва мукамал архитектуравий ечимга эга метрополитен ишлаб туради. Маъмурий ва жаоат бинолари, ўқув муассасалар, парклар ансамбллари, шунингдек қайта таъмирланган тарихий мажмуалар нафақат шаҳар, балки республиканинг шаҳарсозликдаги ютуқлари ҳақида далолат бериб туради.

Тарихий муҳитни ва архитектура ёдгорликларининг қайта тикланишидаги муҳим шартлардан бири уларнинг шаклланган структурасини сақлаб қолишдир. Охирги йилларда амалда бажарилган Ҳазрати Имом, Занги ота диний-мемориал мажмуалар ва Кўкалдош мадрасасини қайта тиклаш ишларини мисол қилиб келтириш мумкин.

ХУЛОСА

«Тошкентнинг шаҳарсозлик ва меъморчилик маданияти» мавзусидаги диссертация бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Тошкент воҳасининг вужудга келиш механизми ва тараққиёт тизими Ўрта Осиё ҳудудидаги урбанизация шаклланишининг умумий қонуниятлари билан боғлиқдир. Бу борада, қадимги микро ҳудудларнинг режалаштирилган янги жойларнинг, ривожланишнинг тарихий жараёнини англашга, шунингдек, уларнинг ўзаро ва атрофидаги шимоли-шарқий қисмида жойлашган қабилалар иттифоқи, жануб ва жанубий-ғарбдаги давлатлар билан алоқаси ривожига олиб келган.

2. Тошкент (Шош) воҳасининг урбанизациясида араб истилосининг таъсири ва натижалари муҳим аҳамиятга эга бўлган. Илк Ислом даври шаҳарсозлигининг муҳим жиҳатларидан бири, Шош пойтахти – Бинкетнинг фавкулотда жадаллик билан ривожланиши, унинг (бир неча аср давомида) Ўрта Осиёнинг энг йирик (майдони 50 км²га яқин) шаҳрига айланишидир. Бу вақтда Уштуркет, Банукет, Залтикет, Наукет қишлоқлари кенгайган.

3. Чингизхон қўшини ҳужумидан ва Бинкетнинг бузилишидан сўнг, Тошкент Чорсу бозори ҳудудида шакллана бошлаган. Бу ерда, илк ўрта асрлар давриданок шаҳарнинг яқин ва узоқ жойларида яшовчилар ва чорвачилик ҳудудлари аҳолиси ўртасида савдо қилиш ишлари учун савдо пунктлари шакллана бошлаганлиги аниқланган.

4. Тошкентнинг янги шаҳар ҳудудини ўзлаштиришнинг жадаллашуви XIV аср охиридан бошлаб, Амир Темурнинг қурилиш фаолиятига боғлиқ бўлган. Соҳибқирон томонидан сезиларли даражада шаҳар ҳудуди кенгайтирилган, Қоратош мавзеси ҳудудида қалъа ва ташқи истеҳкомлар қурилган. XIV-XV асрлар оралиғида шаҳар Амир Темур салтанатининг шарқий чегаралари истеҳкоми бўлган.

5. XVII-XVIII асрлардаги Тошкентнинг шаҳарсозлик тузилишига оид кўпгина ноаниқликлар мавжуд. Бу шаҳар тарихидаги ҳарбий интервенция билан белгиланган икки асрлик ва мураккаб давр оралиғидир. Бу вақтда кенг кўламдаги объектлар қурилишининг мавжуд эмаслигига қарамай, Тошкентнинг ҳудудий ўсиши давом этганлиги аниқланган.

6. XIX асрнинг биринчи ярмида аҳоли сони ва иморатларнинг ер майдони жиҳатидан энг йирик деб ҳисобланган шаҳар Қўқон ҳукмдорларининг ҳокимлиги остида бўлган. Унинг режавий тизими ва қиёфаси Ўрта Осиё исломий шаҳарларига хос бўлган. Доирага шаклига ўхшаш бўлган режада, Тошкент пахсадан қурилган бақувват мудофаа девори билан ўралган. Ўн икки қалъа дарвозалари орқали асосий магистраллар ўтган, улар шаҳар марказига олиб борган.

7. Тошкентнинг шаҳарсозлик структураси ривожланишининг бурилиш босқичи XIX-XX аср бошига тегишлидир. Бу ерда, Тошкентнинг чор Россиясига қўшилиши ва эски шаҳар яқинида янги европа манзилгоҳининг қурилиши натижасида вужудга келган икки қисмли шаҳарни пайдо бўлиши ҳодисасига дуч келамиз. Бу икки қисм – эски шаҳар ва янги шаҳар марказлар каби турли хил сифатли режалаштирилган тузилмалар ва бадий-архитектуравий жиҳатларни ўз ичига олган.

8. XX аср иккинчи ярмидаги Тошкент шаҳарсозлигининг масалалари, шаҳарнинг аввал ажратилган икки (эски ва янги) қисмларининг режавий бирлашганлиги, унинг ягона марказининг шаклланиши, инженерлик ва техник ютуқларни жорий қилиш, замонавий шаҳарсозлик структурасининг тузилиши билан боғлиқ бўлган қайта тиклаш чора-тадбирлари билан боғлиқдир.

9. Эски Тошкентни қайта режалаштириш жараёни, унинг ўтган даврда шаклланган, алоҳида режалаштирилган мажмуалари таҳлил қилиш, шунингдек эски ва янги Тошкентнинг қайта тиклаш жараёнини ўрганиш

тарихий иморатни қайта ўзгартириш ва уни замонавий-архитектуравий муҳитга узвий равишда қўшиш бўйича ишлаб чиқилган 1930-2000 йилларнинг бош режаларининг ғояларини аниқлаш ва талқин қилишга имкон беради.

10. 1991 йилдан шаҳарсозликда тузилиш жиҳатдан катта ўзгаришлар бошланди. Шаҳарнинг қайта режалаштириш методикаси ўзгарди, унда, биринчи даражада, тезюар айланма йўллар ўтказиш йўли билан транспорт тармоғининг қайта тикланиши муҳим аҳамиятга эга бўлган. Шаҳарнинг марказий ҳудудларида кенг кўламда қурилиш ишлари амалга оширилган, у ерда кам қийматли объектларни бузиш йўли билан замонавий архитектура мажмуалари барпо қилинган. Парклар, скверлар, хиёбонларни ўз ичига олган кўкаламзорлар шаҳар тузилишида муҳим ўрин эгаллаган.

11. Шаҳар шаҳарсозлигидаги муҳим воқеалардан Мустақиллик майдони ва Амир Темур хиёбонини қайта қуриш ишлари бўлди. Транспорт инфратузилиши яратилди: автомагистраллар ва метро, халқаро аэропорт ва темир йўл вокзаллари шулар жумласидандир.

12. Диний-мемориал мажмуаларнинг тарихий муҳитини авайлаб янгилаш чора-тадбирлари ишлаб чиқилган. Бу жадал ривожланаётган туризм маршрутларини ташкиллаштириш, ёдгорликларни амалда қўллаш ва уларни замондошларга намойиш қилиш ишларида янги имкониятлар очиб берган.

13. Тошкент тарихий қисмининг қайта ўзгариши ва реконструкциясига оид замонавий муаммолар эҳтимол аввалги ривожланиш асосида ечилиши керакдир. Ушбу тадқиқот ёдгорликлар муҳофазаси бўйича тарқоқ тадбирлардан янги шаҳарсозлик ечимларига эга тизимли ёндашувга ўтиш учун илмий асос беради. Эски архитектуравий-режавий тизим унсурлари бугунги кунда қайта кўриб чиқишни талаб қилади ва улар янгидан ҳосил бўлувчи фазовий қурилмаларнинг ажралмас қисми бўлиб қабул қилиниши муҳим аҳамият касб этиши аниқланган.

14. Табиий ландшафтнинг қимматли унсурлари, ландшафтнинг табиий ва шаҳар тарихий унсурларининг мавжуд ва реконструкциялаш чегаралари, табиий ландшафтда тарихий қимматли излари, археологик зоналар ҳудуди, археологик қийматга эга маданий қатламнинг тарқалиш чегаралари, археология ёдгорликлари, келгусида ўрганиш ва муҳофазага тегишли архитектура ва шаҳарсозлик ёдгорликларнинг жойлашган ўрни аниқланган:

турар-уй қурилмаларининг тарихий ҳудудлари, тарихий ансамбллар ва мажмуалар;

қадимий ва ўрта асрлар майдонлари ва кўчалари;

шаҳар қурилмалари ва кўрғонлари кўчалари; маҳаллий ҳунармандчилик ва тижорат билан боғлиқ ҳудудлар ва қурилмалар.

**SCIENTIFIC COUNCIL AWARDING OF THE SCIENTIFIC
DEGREES DSc.27.06.2017.A.11.02 AT THE TASHKENT
ARCHITECTURAL – CONSTRUCTION INSTITUTE**

INSTITUTE OF FINE ARTS

ZIYAEV ABDUMANNOP ABDURAHIMOVICH

**TOWN – PLANNING CULTURE AND
ARCHITECTURE OF TASHKENT**

**18.00.01 - Theory and history of architecture.
Restoration and reconstruction of architectural monuments**

**DISSERTATION ABSTRACT
OF THE DOCTOR OF SCIENCE (DSc) ON ARCHITECTURE**

TASHKENT – 2020

The theme of the doctoral dissertation (DSc) is registered in the Supreme Attestation Commission at the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan under № B2019.2.DSc/A3.

The doctoral dissertation (DSc) was carried out at institute of fine Arts.

The abstract of the dissertation is posted in two languages (Uzbek, Russian and English (annotation)) on the website of Scientific Consul: <http://www.taqi.uz//interaktiv-xizmatlar/taqi-ilmiy-faoliyati-ixtisoslashgan-kengashlar/avtoref.html> and on the Informational and educational portal «ZiyoNET»: www.ziyo.net.

Official opponents:

Suleymanov Rustam Hamidovich

Doctor of history, professor

Hidoyatov Temur Abrarovich

Doctor of Architecture, professor

Ismailova Jannat Hamidovna

Doctor of history, professor

Leading organization:

National Institut of arts and design of K. Bekhzad

The defense of the thesis will be held on «__»____ 2020 y. at ____ at a meeting of Scientific Council by № DSc.27.06.2017.A.11.02 at Tashkent architectural–construction institute (Address: 100011, Tashkent city, A. Kadiriy Street., 7B. Tel.: (99871) 235-43-30, Fax: (99871) 234-15-11. Web page: www.taqi.uz, e-mail: devon@taqi.uz. Conference hall of the architecture faculty).

The doctoral (DSc) dissertation has been registered in the Information-resource center of Tashkent architecture-construction institute by, it is possible to review it in IRS (100011, Uzbekistan, Tashkent, Navoi Street, 13). Phone: (+99871) 244-63-30. Main building, 1 st. floor.

The abstract of the dissertation is distributed out on «__»____ 2020 year.

(Registry record № ____ dated «__»____2020 year).

D.A.Nazilov

Chairman of the scientific council
awarding scientific degrees, Doctor of
architecture, professor

T.Sh. Mamatmusaev

Secretary of scientific council
awarding scientific degrees, Doctor of architecture

T.A. Khidoyatov

Chairman of the scientific Seminar at the
scientific council for awarding degrees,
Doctor of architecture, professor

INTRODUCTION (abstract of the DSc thesis)

The purpose of research work is determination the basic principles of the formation of the architecture of Tashkent and its region from ancient times to the present; the study of the development of urban structure of Tashkent at all stages of its development; the research of the problem of the identification and preservation of historical and cultural heritage of the city.

Research object: are the urban planning components of Tashkent: the residential areas, the areas for public use, the street and irrigation networks, the fortification, the complexes and buildings for administrative, residential, commercial and religious purposes, the historical and architectural ensembles.

The scientific novelty of the study is as follows:

it was clarified the influence of early Islam on the urbanization process of Binket (now Tashkent) and other cities of the Tashkent oasis - Ushturket, Banuket, Zaliket, Nauket;

the structure and borders of Madina Shasha, its shahristan, two rabads, as well as the place of functioning of the citadel, the palace of the ruler and its administrative apparatus were determined based on the information of the Arabian geographers Istahriy and Mukaddasi;

it was revealed the role of Amir Temur in improving the defensive system of Tashkent: the Urda (the Arch) in the area of Karatash, the fortress walls and the gates, the ditches and other fortifications of the city;

it was determined that Tashkent had been the largest city in Central Asia in terms of population and the occupied territory with an area of about 50 km² by the middle of the 19th century. It had 12 gates and about 20 walkways in the walls;

it was established that only by the middle of the 20th century the two-part division of Tashkent into the new and old parts that had appeared during the period of Tsarist Russia had been eliminated, which further facilitated their planning connection and the creation of a single city center;

the graphic reconstructions of the medieval fortifications on the territory of Tashkent - Aktepa Yunusabad, Aktepa Chilanazar, Ming Uryuk, Khanabadtepa, Foziltepa, Shash tepa, as well as the fortifications on the territory of the Tashkent region – Kanka, Kovunchi tepa, Ulkantoytepa, Chinaz tepa, and Hisar tepa were developed.

Implementation of the results of research. The scientific results that were obtained in the study of the urban culture and architecture of Tashkent:

were introduced into the project of the concept of «The Program of urban development and arrangement of the old part of Tashkent for the period until 2020», which outlines the careful preservation of the traditions and features of national architecture, its historical and architectural monuments. In particular, the author carried out the development on the topic: «Retrospective and stages of spatial development of the old city part of Tashkent» (The Tashkent Scientifically Research and Project Design Institute of the Master Plan ; Implementation Act No. NPO-351, January 28, 2013).

the results of the author's research regarding the problem of historical and cultural heritage of Tashkent were used in the research and design activities of the research and production department in the section «Protection of the objects of material culture of the city of Tashkent» in the development of the master plan of Tashkent (The Tashkent Scientifically Research and Project Design Institute of the Master Plan; Implementation Act No. NPO-09 of 01/03/2014). The application of the scientific results allowed to determine the genetic basis of urban planning in Tashkent, the traditions in the architecture of the city and the organization of the protection of material culture objects;

the recommendations of the dissertation chapters on historical Tashkent were introduced in the development of the General Scheme for urban development of the old city part of Tashkent in the section «The historical and architectural basis plan» (The Tashkent Scientifically Research and Project Design Institute of the Master Plan; Implementation Act No. NPO-3026 of 02.10.2014). The author had identified the territory of archaeological zones; the boundaries of the distribution of archaeologically valuable cultural layer; the monuments of archeology; the locations of monuments of architecture and urban planning, which were subject to further study and preservation;

the results of the thesis were introduced in the implementation of research and design and development work in the Tashkent Scientifically Research and Project Design Institute of the Master Plan, in particular, in the master plan for the development of the regional center of Chinaz in the Tashkent region (Implementation Act No. NPO-2887, of 05.10.2016). Studying the processes that took place at different stages of the development of town planning in Chinaz (in antiquity, the Middle Ages and modernity) contributes to the search for ways and opportunities for the future development of the city and augmenting the attractive features of the city laid down in the previous stages of development.

The structure and amount of the dissertation. The thesis consists of an introduction, four chapters, a conclusion, a bibliography, a glossary of terms, a list of abbreviations. The volume of the thesis is 255 pages. The graphic part is presented in a separate volume on 167 tablets.

**СПИСОК ОПУБЛИКОВАННЫХ РАБОТ
ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ
LIST OF PUBLISHED WORKS**

I часть I (бўлим; I part)

1. Зияев А.А. Базары Ташкента. В прошлом и настоящем. Второе издание с изменениями. Ташкент: Изд-во «Санъат», 2012, с.139. (18.00.00. №5). ISBN 978 9943 322 35-6
2. Зияев А.А. Ташкент. Древность и средневековье. Том I. Второе издание с изменениями. Ташкент: Изд-во «Санъат», 2012, с. 280. (18.00.00. №5). ISBN 978 9943 322 493
3. Зияев А.А. Ташкент. XVII – начало XX вв. Том II. Второе издание с изменениями. Ташкент: Изд-во «Санъат», 2012, с. 295. (18.00.00. №5). ISBN 978 9943 322 493
4. Зияев А.А. Ташкент. XX – начало XXI вв. Том. III. Второе издание с изменениями. Ташкент: Изд-во «Санъат», 2012, с. 282. (18.00.00. №5). ISBN 978 9943 322 493
5. Зияев А.А. Зангиата. Историко-архитектурный очерк. – Ташкент: Изд-во «Санъат», 2008, с. 60. (18.00.00. №5).). ISBN 978 9943 322 37 0.
6. Зияев А.А. Комплекс Хазрати Имам в Ташкенте. Историко-архитектурный очерк. – Ташкент: Изд-во «Санъат», 2008, с. 50. (18.00.00. №5). ISBN 978 9943 322 32 5.
7. Зияев А.А. Комплекс Шайхонтохур. Ташкент: Изд-во «Санъат», 2008, с. 48. (18.00.00. №5). ISBN 978 9943 322 38 7.
8. Зияев А.А. Шохрухия (Шаркия, Бенакет) қадимда ва ўрта асрларда. Тошкент:» San'at» наш-ти, 2015, 54 б. (18.00.00. №5). ISBN 978 9943 388 65 9.
9. Зияев А.А. Зангиота. Зиёратгоҳ - ёдгорлик мажмуаси. Тошкент: «San'at» наш-ти, 2015, 60 б. (18.00.00.№5).). ISBN 978 9943 388 64 2.
10. Зияев А.А. Шахрухия. / Бенакет/. В древности и средневековье. Ташкент: Изд-во «San'at», 2015, 54 с. (18.00.00. №5).). ISBN 978 9943 388 65 9.
11. Зияев А.А. Зангиата. Культово - мемориальный комплекс. Ташкент: Изд-во «San'at», 2015, 60 с. (18.00.00. №5).). ISBN 978 9943 388 64 2.
12. Зияев А.А. «Янги Чиназ» (новый Чиназ). Историко-архитектурный очерк. Ташкент, Изд-во «SAN'AT», 2016, 36 с. (18.00.00. №5). ISBN 978 9943 388 84 0.
13. Зияев А.А. «Чиназ» (древность, средневековье, современность). Историко-архитектурный очерк. Ташкент, Изд-во «SAN'AT», 2016, 60 с. (18.00.00. №5). ISBN 978 9943 388 83 3.
14. Зияев А.А. «Канка»» (Харашкет). В древности и средневековье. Историко-архитектурный очерк. Ташкент, Изд-во «SAN'AT», 2017, 60 с. (18.00.00. №5). ISBN 978 9943 388 98 7.
15. Зияев А.А. «Шайх Ходжа Ахрар Вали и его предки. 60 с. Ташкент, Изд-во «SAN'AT», 2018, 60 с. (18.00.00. №5). ISBN 978 9943 5064 7 3.

16. Зияев А.А. Алмалык (Туккет – Кульота). Древность, средневековье, современность. Ташкент, Изд-во «SAN'AT», 2019, 60 с. (18.00.00. №5). ISBN 978 9943 5527 2-2.
17. Зияев А.А. Фортификация Ташкента XIX века. – «Мозийдан садо». Ташкент, 2009, № 2, с. 7-9 (на узбекском, русском, английском языках). (18.00.00. №3).
18. Зияев А.А. Древний, средневековый Ташкент. – «Архитектура и стр-во Узбекистана», 2009, №4, с. 19-21. (18.00.00. №7).
19. Зияев А.А. Новые сведения о комплексе «Маткаримбая» в Ташкенте. – «Мозийдан садо», 2011, 1/2, с. 61-64 (на узбекском, русском, английском языках). (18.00.00. №3).
20. Зияев А.А. Главная площадь Республики в прошлом и в годы независимости. – «Мозийдан садо», 2011, № 3, с. 6-9 (на узбекском, русском, английском яз.). (18.00.00. №7).
21. Зияев А.А. Историко-архитектурные комплексы Ташкента в годы независимости. – «Архитектура и стр-во Узбекистана», 2011, № 3, с. 18-20. (18.00.00. №7).
22. Зияев А.А. Махалля Калаихона старого Ташкента. – «Архитектура и стр-во Узбекистана», 2012, № 2, с. 12-14. (18.00.00. №7).
23. Зияев А.А. Урда Ташкента - «Мозийдан садо», 2012, № 3, с. 36-39 (на узбекском, русском, английском языках). (18.00.00. №3).
24. Зияев А.А. Кварталы Ташкента XIX века. – «Мозийдан Садо», 2013, № 1, с. 42-44 (на узбекском, русском, английском языках). (18.00.00. №3).
25. Зияев А.А. Топография Ташкента XIII-XIV вв. «Мозийдан Садо», 2018, № 4, с. 34-36 (на узбекском, русском, английском языках). (18.00.00. №3).
26. Abdumannop Ziyaev. The way of development of urban planning and architecture of Tashkent. International journal of scientific & technology research volume 8, issue 06, June 2019, 319-321 pages. ISSN 2277-8616, www.ijstr.org.
27. Зияев А.А. Архитектурный ансамбль Шайхонтохур. - «Мозийдан Садо», 2019, № 3, с. 17-21 (на узбекском, русском, английском языках). (18.00.00. №3).
28. Зияев А.А. Трансформация базаров Ташкента в 1990-2010 гг. – Материалы международной конференции «Современная архитектура и инновация», Ташкент, 2012, с.18-19.
29. Зияев А.А. Жилой глиняный дом Ташкента во второй половине XIX начала XX века. Международная конференция и семинар «Проблема развития глинобитного зодчества» по предложению Национальной Ассоциации [LENMBAU] Германия. Сб. докладов, Ташкент, 2012, с.46-50.
30. Зияев А.А. Проблемы древней и средневековой истории Чача [Научные дискуссии по некоторым вопросам истории, археологии и нумизматики], «Сборник LAD (Германия)», 2013, стр. 423-427.
31. Зияев А.А. «Расселение на территории Ташкента в доисламский период». В сб. «Проблемы древней и средневековой истории Чача». Выпуск 2. История. Археология. Нумизматика. Изд-во LAP LAMBERT, Saarbrucken /Германия/, 2014, с. 27-35.

II часть (II бўлим; II part)

32. Зияев А.А. Этапы формирования и преемственного развития центра г.Ташкента.: Автореф. дис. канд. арх. – Баку, Инст-т Арх. и Искусства. 1984, – 18 с.

33. Зияев А.А. Центр Ташкента в прошлом и настоящем. – Ташкент: Изд-во «Узбекистан», 1987, – с. 85.

34. Зияев А.А. Янгиюль /Ниёзбоши, Қовунчитепа, Нишбоштепа/. Ўтмишда ва бугун. Тошкент: «San'at» наш-ти, 2015, 56 б. (18.00.00. №5).).

35. Зияев А.А. Янгиюль (Ниязбаш, Каунчи-тепа, Нишбаш-тепа). В прошлом и настоящем. Ташкент: Изд-во «San'at», 2015, 56 с. (18.00.00. №5).

36. Зияев А.А. К вопросу становления первоначального ансамбля правительственной площади г. Ташкента. – В сб. науч. тр. Таш. политех. ин-та «Новые материалы по истории архитектуры Средней Азии», 1979, вып.279, с. 52-59.

37. Зияев А.А. Первые проекты планировок Ташкента. «Стр-во и архитектура Узбекистана», 1981, №2 с. 33-38, /в соавторстве с В.А.Нильсеном.

38. Зияев А.А. Из истории развития правительственной площади г. Ташкента. – В сб. науч. тр. Ташк. политех. ин-та «Проблемы современной архитектуры Узбекистана», 1981, вып. 315. с. 3-9.

39. Зияев А.А. Формирования архитектурного ансамбля площади В.И.Ленина в Ташкенте. – «Архитектура и стр-во Узбекистана», 1983, №4 , с. 26-31.

40. Зияев А.А. Основные этапы формирования центра Ташкента. – «Архитектура и стр-во Узбекистана», 1983, №7, с. 10-14.

41. Зияев А.А. Становление социалистической архитектуры Ташкента. – «Архитектура и стр-во Узбекистана», 1983, №8, с. 8-14, /в соавторстве с В.А.Нильсеном/.

42. Зияев А.А. Планировка и застройка Ташкента в первые послевоенные годы. – «Архитектура и стр-во Узбекистана», 1985, №5, с. 7-12.

43. Зияев А.А. Архитектура новой части Ташкента и Баку: проблемы общности и регионального своеобразия. В сб. науч. трудов института Архитектуры и Искусства национальной Академии Наук Азербайджана «Проблемы искусства и культуры», 2011, №2 (36), с. 119-125

44. Зияев А.А. Старый жилой массив «Чувалачи» в Ташкенте. В сб. «Материалы по художественной и духовной культуре Узбекистана». Ташкент. Изд-во «SAN'AT», 2014 г. с. 93-103..

45. Зияев А.А. «Ташкент в период позднего средневековья». В сб. «Ўзбекистон дунё маданиятининг ажралмас қисми». Ташкент. Изд-во «SAN'AT», 2016 г. с. 28-35.

46. Зияев А.А. Ранний этап развития центра Ташкента. «43-я научная конференция ТашПИИ», Ташкент, 1979, с. 94.

47.Зияев А.А. «Национальный стиль» и декоративно-прикладное искусство в архитектуре Ташкента. В сб. «Тезисы докладов V

искусствоведческой научно-теоретической конференции молодых ученых» [Секция архитектура]. Ташкент, 1983, с.161-163.

48. Зияев А.А. Методика реконструкции и модернизации старгородской части Ташкента.- «Материалы всесоюзное научно-техническое совещание [Проблемы комплексной реконструкции районов исторической застройки], Москва, 1990, с. 123-126 /в соавторстве с Н.П. Зияевой/.

49. Зияев А.А. «Формирование средневековой градостроительной структуры Ташкента (XIII - XVI вв)». В сб. «Проблемы древней и средневековой истории Чача». Выпуск 3. История. Археология. Нумизматика. Изд-во LAP LAMBERT, Saarbrücken /Deutschland/, 2015, с. 135-142.

50. Зияев А.А. «Градостроительство Ташкента в XVII-XVIII вв. ». В сб. «Проблемы древней и средневековой истории Чача». Выпуск 4. История. Археология. Нумизматика. Изд-во LAP LFMBERT, Saarbrücken /Deutschland/, 2016. с. 152-155.

Автореферат «Архитектура. Қурилиш. Дизайн» журналада таҳрирдан
ўтказилди (____ 01.2020 йил).

Босишга рухсат этилди: ____ 01.2020 йил
Бичими 60x45 ¹/₈, «Times New Roman»
гарнитурлада рақамли босма усулида босилди.
Шартли босма табағи 4.4. Адади: 100. Буюртма: № ____.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси,
100197, Тошкент, Интизор кўчаси, 68.

«АКАДЕМИЯ НОШИРЛИК МАРКАЗИ»
Давлат унитар корхонасида чоп этилди.